

65  
У 32



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
BAЗИРЛИКЛАРИ, ДАРГАТ ҚУМДУЛЛАРИ,  
ИДОНАЛАРИ ВА ХУЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИДА  
ХУЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҚАМЛАШ  
МАСАЛАЛАРИ БУЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЛАЛАР

# ТЎПЛАМИ

# СБОРНИК

МЕТОДИЧЕСКИХ РЕКОМЕНДАЦИЙ  
ПО ОРГАНИЗАЦИИ РАБОТЫ С ДОКУМЕНТАМИ  
И УКРЕПЛЕНИЮ ИСПОЛНИТЕЛЬСКОЙ ДИСЦИПЛИНЫ  
В МИНИСТЕРСТВАХ, ГОСУДАРСТВЕННЫХ  
КОМИТЕТАХ, ВЕДОМСТВАХ  
И ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОБЪЕДИНЕНИЯХ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН


Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси



Кабинет Министров  
Республики Узбекистан

Хизмат доирасида фойдаланиш учун  
Нусха № 506

**Ўзбекистон Республикаси вазирликлари,  
давлат кўмиталари, идоралари ва хўжалик  
бирлашмаларида ҳужжатлар билан  
ишлашни ташкил этиш ва ижро  
интизомини мустаҳкамлаш масалалари  
бўйича методик тавсиялар  
Т Ў П Л А М И**





## МУНДАРИЖА

1. Кириш ..... 5
- I бўлим. Ўзбекистон Республикасининг қонунилари,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
қарорлари ҳамда ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш  
ва ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича бошқа  
норматив ҳужжатлар
2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги  
12-сон қарорига илова:
  - 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,  
қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
қарорлари ва фармойишлари ижросини ташкил этиш ва  
уларнинг амалга оширилишини назорат қилишнинг  
Асосий қондалари ..... 10
  - 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,  
қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг  
бажарилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат  
қилишни ташкил этишнинг 1-схемаси ..... 15
  - 2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
қарорлари ва фармойишларини тайёрлашни, бажарилиши  
ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил  
этишнинг 2-схемаси ..... 22
  - 2.4. Назорат карточкалари ..... 29
3. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон  
қарорига 2-илова:
  - 3.1. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари,  
идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари,  
компаниялари ва бошқа марказий муассасалари  
аппаратларида иш юритиш бўйича Намунавий йўриқнома ..... 35
  - 3.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,  
қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг ижро



этилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил этишнинг 1-схемаси .....	59
<b>3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлашни, бажарилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил этишнинг 2-схемаси .....</b>	<b>63</b>
<b>3.4. Вазирликлар ва идоралар аппаратиغا келиб тушган хат-хабарларнинг ҳисобга олиниши, ҳаракати ва уларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил этишнинг 3-схемаси .....</b>	<b>66</b>
<b>3.5. Вазирликлар ва идораларда фуқаролар хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқишни ва уларнинг ижро этилишини назорат қилишни ташкил этишнинг 4-схемаси .....</b>	<b>68</b>
<b>3.6. Назорат карточкалари .....</b>	<b>70</b>
<b>4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни 2002 й. 13 декабрь № 446-II .....</b>	<b>81</b>
<b>II бўлим. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби</b>	
<b>5. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар билан ишлаш ва уларнинг ижросини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сон топшириғи .....</b>	<b>92</b>
<b>6. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби: .....</b>	<b>94</b>
<b>6.1. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларининг ижросини ташкил этиш схемаси .....</b>	<b>104</b>
<b>6.2. Назорат карточкалари .....</b>	<b>108</b>
<b>6.3. Ҳисобот жадваллари .....</b>	<b>112</b>

## КИРИШ

Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этиш муайян даражада қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорларининг барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз вақтида ва самарали бажарилишини ташкил этишнинг аниқ йўлга қўйилган тизими билан белгиланади.

Ушбу талабни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори қабул қилинган. Ўтган 10 йилдан ортиқ вақт масаланинг долзарблигини ва қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишнинг шакл ва методларини доимий равишда такомиллаштириб бориш зарурлигини тасдиқлади.

Жойлардаги ишларнинг аҳволини ўрганиш таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

**биринчидан** — қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг белгиланган тартиби бажарилмоқда, улар бўйича тегишли идоравий қарорлар қабул қилинмоқда ва бажарувчиларга етказилмоқда;

**иккинчидан** — Ўзбекистон Республикаси Президенти, республика Ҳукумати ҳужжатларининг ва идоравий қарорлар бажарилиши юзасидан тизимли назорат амалга оширилмоқда;

**учинчидан** — давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан кейинги вақтда шаҳар ва туман бўғинлари, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳамда аппарат мутахассисларининг қабул қилинган

ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бироқ бир қатор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳўжалик бирлашмаларида, айниқса уларнинг ҳудудий бўлинмаларида иш юритиш ва ижро интизомининг аҳволини ўрганиш зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган камчиликлар ва муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Қуйидаги камчиликлар уларнинг асосийларидир:

**биринчидан** — давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг айрим раҳбарлари уларга тушган ҳужжатларни амалга ошириш бўйича ўз вақтида, чуқур ишлаб чиқилган ва пухта асосланган қарорлар қабул қилиш ўрнига ушбу ҳужжатларга умумий тусдаги юзаки резолюциялар қўйиш ва топшириқлар бериш билан чекланишмоқда;

**иккинчидан** — Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларини ва Ҳукумат қарорларини бажариш бўйича коллегиял органлар қарорларини ва раҳбарлар буйруқларини ҳудудий бўлинмаларга тезкорлик билан етказиб беришнинг аниқ тизими мавжуд эмас;

**учинчидан** — ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятини билмаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида ва Ҳукумат қарорларида белгиланган аниқ топшириқлар ва вазифаларни бажаришда сусткашлик ва интизомсизлик ҳолатлари, йўл қўйилган камчиликлар учун аппаратнинг мансабдор шахсларига ва ходимларига нисбатан муросасозлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари мавжуд;

**тўртинчидан** — вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳўжалик бирлашмаларининг зиммасига ҳужжатлар билан ишлашни ва уларнинг ижросини назорат қилишни ташкил этишнинг таъсирчан, самарали тизимини яратиш бўйича функционал вазифалар юкланган таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг айримларида зарур иш маҳорати ёки лаёқатлилиқ етишмайди.

Кўрсатиб ўтилган ва бошқа камчиликлар, шунингдек уларни бартараф этиш чора-тадбирлари 2009 йилнинг 5 августида республикадаги 24 та вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмаларининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, республикадаги барча вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликларининг раҳбарлари иштирокида ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг селектор йиғилишида танқидий муҳокама қилинди.

Ушбу тўплам кўрсатиб ўтилган йиғилишнинг протоколини бажариш юзасидан ҳамда республика вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш масалалари ва ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича методик тавсиялар сифатида тайёрланган.

Тўплам 2 та бўлимдан иборат, ҳар қайси бўлим давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тизимида иш юритишни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича қабул қилинган ва амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади.

**I бўлим** — Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича бошқа норматив ҳужжатлар.

#### **Бўлимга қуйидагилар киритилган:**

а) Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорининг иловаси — «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижросини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишнинг асосий қондалари»;

б) Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарорининг 2-илоvasи — «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш бўйича Намунавий йўриқнома»;

в) Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.

**II бўлим** — Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ҳукумат қарорларини, шунингдек республика вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларининг ўз қарорларини ижро этишни ташкил қилиш бўйича норматив ҳужжатлар.

Ушбу бўлимда ҳужжатларнинг ижроси ва мониторингини ташкил этиш тартиби ва тегишли жадваллар келтирилган. Уларда: шаҳар (туман) бошқармаси → вилоят бошқармаси → вазирлик, давлат

**қўмитаси, идора, хўжалик бирлашмаси → Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаменти  
схемаси бўйича ҳисобот бериш шакллари ва муддатлари белгиланган.**

Тайёрланган материаллар вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмалари марказий аппарати, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари томонидан бажарилиши учун мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси*

## **І БЎЛИМ**

**Ўзбекистон Республикасининг қонунлари,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг қарорлари ҳамда  
ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш  
ва ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича  
бошқа норматив ҳужжатлар**



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,  
қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари  
ва фармойишлари ижросини ташкил этиш ва уларнинг  
амалга оширилишини назорат қилишнинг  
АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

1. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча даражалардаги ҳокимликлар аппаратлари учун норматив ҳужжат сифатида ишлаб чиқилган.

2. Унинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижро этилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил этишнинг ягона тизими ва услубиётини таъминлаш.

3. Асосий қоидалар ишни ташкил этишнинг амалий шаклларини ўз ичига олади, юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларда қўйилган вазифаларни амалга ошириш муддатларини ва пировард натижаларга эришиш учун шахсан жавобгар мансабдор шахсларни белгилаб беради.

4. Қуйидагилар Асосий қоидаларнинг таркибий қисми ҳисобланади:

1-схема — Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижро этилиши ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилишни ташкил этиш;

2-схема — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари тайёрланишини, ижро этилиши ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилишни ташкил этиш (илова қилинади).

**I. НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ВА БАЖАРИЛИШИ  
ТЕКШИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқлари баённомалари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари (ёзма ва оғзаки).

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Котибиятининг топшириқлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг топшириқлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари баёни.

11. Рўйхати Иш юритиш бўйича йўриқномада белгиланадиган бошқа ҳужжатлар.

Ҳужжатларнинг кўрсатиб ўтилган турларининг бажарилиши бўйича ишларни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари аппаратлари ва корхоналарнинг раҳбарлари, мансабдор шахслари, тегишли таркибий бўлинмалари ва масъул ходимлари томонидан таъминланади.

## **II. КЕЛГАН ҲУЖЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, УЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА 1, 1А, 1Б, 2, 2А, 2Б ТАРТИБ РАҚАМЛИ НАЗОРАТ КАРТОЧКАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

1. I бобда кўрсатилган барча ҳужжатлар қатъий ҳисобга олиниши ва тегишли бўлинмаларда: умумий бўлимда, канцелярияда рўйхатдан ўтказилиши керак.

2. Улар махсус дафтарларда ва ҳисобга олиш карточкаларида рўйхатдан ўтказилади, зарурият бўлганда ва техник воситалар мавжуд бўлганда эса ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар компьютер банкига киритилади.

3. Тушган ҳужжатлар 30 минут ичида рўйхатдан ўтказилиши керак.

4. Ҳар бир тушган ҳужжатга алоҳида назорат карточкаси расмийлаштирилади: 1, 1а, 1б тартиб рақамли назорат карточкалари — Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқлари учун; 2, 2а, 2б тартиб рақамли назорат карточкалари — Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа ҳужжатлари учун. Кўрсатиб ўтилган назорат карточкалари шакллари илова қилинмоқда.

5. Тушган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилган ва назорат карточкалари тўлдирилгандан кейин 1 ва 2-схемаларда кўрсатилган муддатларда тегишли раҳбарга зудлик билан ахборот берилиши керак.

### **III. ТУШГАН ҲУЖЖАТЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ҚАРОРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

1. 1 ва 2-схемаларда кўрсатилган муддатларда Бош вазир, вазирлик, идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбари шахсан пухта ўрганишади ва тегишли топшириқларни белгилашади. Бунда топшириқнинг бажарилиши зиммасига шахсан юкланадиган раҳбарлар кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, бошқарувнинг тармоқ органлари ва жойлардаги ҳокимият органлари учун ҳам топшириқларни расмийлаштиришнинг ана шундай тартиби белгиланади.

2. Мазкур топшириққа мувофиқ тегишли раҳбар зарур таклифлар: қўйилган вазифалар амалга оширилишини таъминловчи аниқ чоратадбирлар режаси; фармойиш ёки қарор лойиҳаси; ҳайъат ёки ҳокимнинг қарори лойиҳаси пухта ва ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди.

3. Қабул қилинган қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмаларига бир соат ичида, вазирликлар, идоралар ва барча даражалардаги ҳокимликларга — бир кеча-кундузда етказилиши керак.

4. Имзоланган топшириқ ёки қабул қилинган қарор нусхаси Вазирлар Маҳкамасининг Назорат бўлимига, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг назорат бўлинмаларига берилади, у ерда ҳар бир ҳужжатга 1, 1а, 1б, 2, 2а, 2б тартиб рақамли назорат қарточкалари расмийлаштирилади.

### **IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ, ФАРМОЙИШЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАРИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА ФАРМОЙИШЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

1. Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларнинг бажарилиши учун:

Бош вазир, Бош вазирнинг ўринбосарлари, вазирлар, идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шахсан жавоб берадилар.

2. Ҳужжатларни назорат қилиш юкланган раҳбар уларда қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

3. Ҳужжатларнинг бажарилишини ва назорат қилинишини ташкил этиш:

республикани, тармоқ ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор масалалари, шунингдек узоқ даврга мўлжалланган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тасдиқланган муддатларда тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

бажарилишини вазирликлар, идоралар, бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органлари ва жойлардаги ҳокимият органларида, бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда мақсадли ўрганиш;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларни бажариш юзасидан қабул қилинган ўз қарорларининг бажарилишини кўриб чиқиш;

республика тармоқлари ва ҳудудларида ишларнинг аҳволини комплекс ўрганиш, Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари мажлисларида уларнинг яқунларини кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини кўриш билан таъминланади.

4. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳужжатларда белгиланган муддатларда биринчи шахснинг имзоси билан назорат топшириқлари (ҳужжатлар) бажарилиши тўғрисидаги ҳолис ва қисқача ахборотни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари ва бўлимларга тақдим этишлари шарт. Раҳбарлар ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва унинг ишончлилиги учун шахсан жавоб берадилар.

5. Ҳужжат (топшириқ) бажарилишини назорат қилиш юкланган Бош вазирнинг ўринбосари — тегишли ахборот-таҳлил департаменти, бошқарувнинг тармоқ органлари ва жойлардаги ҳокимият органларининг:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари бажарилишини мунтазам ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

камчиликларнинг олдини олиш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича зарур тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш;

айбдор мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чора-тадбирлар кўриш юзасидан ишлари мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати (Назорат бўлими), вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппаратининг **назорат бўлинмалари** (бўлим, шўъба, гуруҳ, масъул ходимлари) 1, 1а, 1б, 2, 2а, 2б тартиб рақамли назорат карточкалари асосида:



назоратга олинадиган ҳужжатлар ва бандлар қатъий ҳисобга олинишини **таъминлайдилар;**

таркибий бўлинмаларда ҳужжатларни бажаришнинг аҳволини доимий равишда таҳлил қиладилар;

тегишли раҳбарларни улар томонидан амалий чора-тадбирлар кўрилиши учун ижро интизомининг аҳволи тўғрисида мунтазам хабардор қиладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил этишнинг 1-СХЕМАСИ**

**Таркибий бўлиналар**



**Ижро ва назоратни ташкил этиш**

**Бажариш муддати**

**Масъуллар**

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АППАРАТИ**

1. Фармонлар, қарорлар, фармойишлар ва топшириқларни рўйхатдан ўтказиш.  
1. Ҳужжат имзолан-гандан сўнг **бир соат** мобайнида.
2. Жўнатиш рўйхатига мувофиқ олувчилар-га юбориш.  
2. Ҳужжат имзолан-гандан сўнг **бир соат** мобайнида.

**II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ АППАРАТИ**

1. Ҳужжатни кўриб чиқиш ва АСИО режимида рўйхатдан ўтказиш.  
1. Ҳужжат тушган пайтдан бошлаб **30 дақиқа** мобайнида.
2. **Икки нусхада 1-назорат карточкасини** тўлдириш: канцелярия; Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси учун. Зарурат бўлганда ҳужжатни кўпайтириш.  
2. Ҳужжат тушган пайтдан бошлаб **бир соат** мобайнида.
3. Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппа-рат бошқарувчисига ҳужжатларни (1-назо-рат карточкаси билан) тақдим этиш.  
3. Ҳужжат тушган пайтдан бошлаб **бир соат** мобайнида.

1. Умумий бўлим мудир.  
Канцелярия мудир.

2. Умумий бўлим мудир.  
Канцелярия мудир.

3. Умумий бўлим мудир.



Вазирлар Маҳкамаси  
Ижро этувчи аппарат  
бошқарувчиси

Вазирлар  
Маҳкамасининг  
Назорат бўлими

1. Аппаратнинг таркибий бўлиналари (департаментлар, бошқарма ва бўлимлар) раҳбарларининг иштирокида тушган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва улар бўйича топшириқномалар (фишқалар) тайёрлаш.

2. Ахборот бериш ва ҳужжатларни топшириқнома лойиҳаси билан Бош вазирга (унинг ўринбосарига) имзолаш учун тақдим этиш.

3. Ҳужжатларни имзоланган топшириқнома ва 1-назорат қарточкаси билан Назорат бўлимига бериш.

1. Ҳужжатларни, топшириқномаларни ва назорат бандларини АСИО режимида рўйхатдан ўтказиш.

2. 1-назорат қарточкаларини тўлиқ расмийлаштириш.

3. Ҳужжатларни қўлайтириш ҳамда топшириқнома ва 1-назорат қарточкаси билан имзо кўйдириб бериш: Бош вазир ўринбосарларининг ёрдамчиларига (департамент ва бўлим мудирлари, бошқарма бошлиқлари) ижроний ташкил этиш учун; Умумий бўлим мудирига вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларга жўнатиш учун.

1. Ҳужжат олинган вақтдан бошлаб уч соат мобайнида.

2. Бир кунда икки марта, зарурат бўлганда дарҳол.

3. Ҳужжатга топшириқнома (фишка) имзолангандан сўнг 30 дақиқа мобайнида.

1. Ҳужжат олинган пайтдан бошлаб бир соат мобайнида.

2. Ҳужжат олинган пайтдан бошлаб бир соат мобайнида.

3. Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ҳужжат олинган вақтдан бошлаб бир соат мобайнида.

3а. Бир кеча-кундуз муддатда вазирликлар, идоралар, ҳокимликларга.

1. Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси. Департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи.

2. Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси. Бош вазир ёрдамчиси, Департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи.

3. Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси. Бош вазир ёрдамчиси, Департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи

1. Назорат бўлими мудирлари.

2. Назорат бўлими ходимлари.

3. Назорат бўлими ходимлари.

3а. Умумий бўлимнинг канцелярия мудирлари.

1. АСИО режимида ҳужжатни ва унинг бўйича топшириқнома (фишка)ни рўйхатдан ўтказиш.

2. **Ҳужжат ва топшириқнома**ни шшлаб чиқиш: назорат режаларини ёки тадбирлар ишлаб чиқиш; аниқ ижрочиларни ва муддатларни белгилаш; тезкор йнгиллишлар ўтказиш; **Вазирлар Маҳкамаси қарори ёки фармойиши лойиҳасини (2-схемага мувофиқ)** тайёрлаш.

3. **Ижронинг ташкил этилиш ва назорат қилиниш**: — вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлардаги ишлар аҳолини ўрганиш; — бажарилишини департаментларда (бошқармада, бўлимларда) ва Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари мажлисларида кўриб чиқиш. **Раҳбарларга инсобиетган шахсий жавобгарлик чораларини кўриш.** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Котибиятини ва Давлат маслаҳатчилари хизматларини назоратдаги бандларнинг бажарилиши тўғрисида хабардор қилиш.

4. Назоратдаги ҳужжатларнинг бажарилишини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятини хабардор қилиш.

1. Ҳужжат олиними биланок.

2. Олинган кунда. Ҳужжатда ва унинг бўйича топшириқномада белгиланган муддатларда.

3. Ҳужжатда ва унинг бўйича топшириқномада белгиланган муддатларда.

4. Ҳар куни, ҳар ойда, ҳар чоракда.


1. Ёрдамчи. Инспектор.

2. Бош вазир ўринбосари. Департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи.


3. Мутахассис. Департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи. Бош вазир ўринбосари.

4. Назорат бўлими. Аппарат раҳбари.

Бош вазир ўринбосарининг ёрдамчиси
Бош вазир ўринбосари
Департамент (бўлим) мудир, бошқарма бошлиғи



### Ш. ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР, ҚОРАҚАЛПОГИСТОН RESPUBLIKACИ VAЗИPЛАP КЕНГАШИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАХАР ҲОКИМЛИКЛАРИ



1. Ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш. 1а-визорат карточкасини тўлдирish ва раҳбарга ахборот бериш.

2. Ҳужжатга раҳбарнинг аниқ топшириқ, ижрочи ва муддатлар кўрсатилган ҳолдаги резолюцияси.

3. Раҳбарнинг резолюциясига мувофиқ иж-  
роича етказиш. 1а-карточка нухаси назо-  
рат бўлинмасига (гуруҳга, шўъбага ёки  
ҳодимга) берилади.

4. Кўйилган вазифаларни амалга ошириш-  
ни таъминловчи аниқ чоралар, муддатлар  
ва шахсан ижрочилари тасдиқланган ҳолда  
ҳайъат ёки ҳокимнинг қарорини тайёрлаш ва  
қабул қилиш.

4а. 1а-назорат карточкасини тўлиқ  
расмийлаштириш.

5. Қабул қилинган қароран етказиш:

а) бошқарувнинг ҳудудий тармоқ  
органларига;

б) туман, шаҳар ҳокимликларига;

1. Ҳужжат олин-  
гандан сўнг 30  
дақиқа мобайнида.

2. Ҳужжат олинishi  
биланоқ.

3. Раҳбарнинг резо-  
люциясидан сўнг  
30 дақиқа мобай-  
нида.

4. Ҳужжат олинган  
санадан бошлаб уч  
кун муддатда, агар  
ВМ топшириғида  
бошқа муддатлар  
белгиланмаган  
бўлса.

4а. Қарор қабул  
қилинган кунда.

5. Қарор қабул  
қилинган кундан  
бошлаб бир кеча-  
кундуз муддатда.

1. Умумий бўлим, кан-  
целярия мудирлари,  
ёрдамчи.

2. Вазир, идора раҳбари,  
Қорақалпоғистон Рес-  
публикаси Вазирлар  
Кенгаши раиси, вилоят-  
лар ва Тошкент шаҳар  
ҳокими.

3. Умумий бўлим,  
канцелярия мудирлари,  
ёрдамчи.

4. Вазир, идора раҳбари,  
Қорақалпоғистон Рес-  
публикаси Вазирлар  
Кенгаши раиси, вилоят-  
лар ва Тошкент шаҳар  
ҳокимлари.

4а. Назорат бўлинмаси  
(гуруҳ, шўъба), ходим.

5. Умумий бўлим,  
канцелярия мудирлари.

- в) тасарруфидаги корхоналарга;  
 г) Вазирлар Маҳкамаси Департаментига (ёки бўлимига).
6. **Қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташиқил этиш:**
- тадбирларни амалга ошириш, қўйи таркибий тузилмалардаги ишлар аҳволини ўрганиш;
- вазирликлар, идора ҳайъатида, ҳокимлик раҳбари ҳузурида ҳужжатнинг бажарилишини кўриб чиқиш. **Йўл қўйилган камчиликлари учун таркибий бўлиммалар раҳбарларига нисбатан шахсий жавобгарлик чоралари кўриш:**
- Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Департаментига, бўлимларига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати хизматларига **Фармон (қарор, фармойиш)**нинг бажарилиши юзасидан ахборотлар тақдим этиш. Зарурат бўлганда муаммоли масалаларни ҳал қилиш тўғрисида, шунингдек, ҳужжатни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар киритиш.

6. Белгиланган муддатларда.	6. Қарорнинг бажарилиши учун шахсан мастъул раҳбар.
жадвалга мувофиқ;	Вазирлик, идора, ҳокимлик мутахассислари.
белгиланган муддатларда, зарурат бўлганда тезкорлик билан;	Вазирлик, идора, ҳокимлик раҳбари.
Фармонда (ВМ қарорлари ва фармойишларида) белгиланган муддатларда.	Вазирлик, идора, ҳокимлик раҳбари.

## IV. БОШҚАРУВНИНГ ХУДУДИЙ ТАРМОҚ ОРГАНЛАРИ, ТУМАН, ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИ, КОРХОНАЛАР

1. Хужжатни рўйхатдан ўтказиш. 16-назорат қарточкасини тўлдирар ва раҳбарга ахборот бериш.
2. Хужжатга раҳбарнинг аниқ топшириқ, ихрочи ва муддатлар кўрсатилган ҳолдаги резолюциясы.
3. Қарорлар қабул қилиш: бажариш муддатлари ва қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши учун жавобгар ходимлар кўрсатылган ҳолда вилоят бошқармаси бўйича буйруқ, ҳоким қарори, корхона бўйича буйруқ.
4. 16-назорат қарточкасини расмийлаштириш, тасарруфдаги корхона, муассаса ва ташкилотларга ихро учун, шунингдек, тегишли вазирликлар, идоралар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маълумот учун жўнатиш.
5. Қабул қилинган қарорларнинг ихросини ташкил этиш:

— қабул қилинган қарорларда тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш;

1. Хужжат олинган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида.
2. Хужжат олинниши биланоқ.
3. Хужжат тушган кундан бошлаб икки кун муддатда.

4. Қарор қабул қилинган кунда.

5. Белгиланган муддатларда.

1. Умумий бўлим, канцелярия мудирилари, ёрдамчи.

2. Вилоят бошқармаси, ҳокимлик, корхона раҳбари.

3. Вилоят бошқармаси, ҳокимлик, корхона раҳбари.

4. Назорат бўлинимаси, ходим. Умумий бўлим, канцелярия мудирилари.

5. Қарорнинг амалга оширилиши учун шахсан маъсул бўлган раҳбар, ходим.

Таркибий бўлиниmalarнинг ходимлари, мутахассислари ва раҳбарлари.

Бошқару- нинг худудий тармоқ органлари	Туман, шаҳар ҳоким- ликлари
Тасарруфдаги корхоналар	

— вилоят бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимликлари ва корхоналар раҳбарлари ҳузурида қарорлар бажарилишини кўриб чиқиш. Ўшундан кўра қарорлар учун мансабдор шахсларга ва мутахассисларга нисбатан шахсий жавобгарлик чоралари кўриш;

— вазирлик, идора ҳайъати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарорларининг бажарилишини тўғрисида ахборотлар тақдим этиш. Зарураг бўлганда, муаммоли масалаларни ҳал қилиш тўғрисида, шунингдек, ҳужжатни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар киритиш.

белгиланган  
муддатларда.

Вилоят бошқармаси,  
ҳоқимлик, корхона  
раҳбарлари.

вазирлик, идора,  
Қорақалпоғистон  
Республикаси Ва-  
зирлар Кенгаши,  
вилоятлар ва Тош-  
кент шаҳар ҳоким-  
ликлари қарорла-  
рида белгиланган  
муддатларда.

Ҳокимлик, вилоят  
бошқармаси, корхона  
раҳбарлари;  
назорат бўлинмаси,  
ҳодим.



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлашни, бажарилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил этишининг 2-СХЕМАСИ**

**Таркибий бўлинмалар**

**Ижро ва назоратни ташкил этиш**

**Бажариш муддати**

**Масъуллар**

<b>Вазирлик, идора, ҳокимлик</b>
<b>Вазирлар Маҳкамасининг Департаменти, бўлими</b>



**1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ АППАРАТИ**

**1. Қарорлар, фармойишлар лойиҳасини тайёрлаш:**

- масалани вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, бошқарувнинг қўйи бўғинларида ишлаб чиқиш;
- аниқ чоралар (тадбирлар), асосланган муддатлар ва бажарилиши учун масъулларни белгилаш;

Лойиҳани тайёрлаш жараёнида лойиҳани тайёрлаш жараёнида;

Департамент, бошқарма, бўлим мутахассиси  
 Департамент, бошқарма, бўлим мутахассиси

- лойиҳани манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларда келишиб олиш.
- Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларнинг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган лойиҳалар келишиб олинган ҳолда тақдим этилади ёки уларга мавжуд мулоҳазалар илова қилинади;**
- лойиҳани манфаатдор вазирликлар, идораларни жалб қилган ҳолда Бош вазир ўринбосари, зарур бўлганда эса Бош вазир ҳузурда муҳокама қилиш;

**Қарорлар лойиҳалари бўйича 3 календарь кун; фармойишлар бўйича 2 календарь кун;**

Вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар раҳбарлари.  
 Вазирлар Маҳкамасининг мутахассиси, департамент, бўлим муддари, бошқарма бошлиғи.

белгиланган муддатда;

департамент, бўлим муддари, бошқарма бошлиғи.  
 Бош вазир ўринбосари

— лойиҳани пухталаш. Департаментда, Хуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасида, комплекс раҳбари ва тегишли Бош вазир ўринбосари томонидан визалаш. Лойиҳани Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига тақдим этиш.

1. Лойиҳани кўриб чиқиш, зарур бўлганда пухталаш учун ижрочига қайтариш.
2. **Лойиҳаларни тақдим этиш:**
  - имзолаш учун Бош вазирга;
  - Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига.

3. Зарур бўлганда қайтарилган лойиҳани пухталаш.

белгиланган муддатда.

1. Тақдим этилган кунда.
2. Тақдим этилган кунда.

Мутахассис. Департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи

1. Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси.
2. Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси.

3. Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси. Департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи.

3. Белгиланган муддатда.

4.


Қарорнинг қабул қилиниши		
ВМ мажлисида	ВМ Раёсатида	Сўров тартибида

Вазирлар Маҳкамаси  
Ижро этувчи аппарат  
бошқарувчиси

Назорат бўлими

Департамент,  
бошқарма,  
бўлим

Умумий бўлим



**Бош вазир ўринбосари**

1. Имзоланган қарорга, фармойишга жўнатиш кўрсаткичини расмийлаштириш ва аппарат бўлиномаларига, вазирликларга, идораларга, ҳокимликларга жўнатиш.
  2. Хужжатни ва унинг бандларини муддатлари ва ижрочилари бўйича «**Назорат**» режамда рўйхатдан ўтказиш, 2-назорат қарточкасини расмийлаштириш.
  3. Қабул қилинган хужжатнинг ижросини ташкил этиш бўйича назорат режаси, тадбирлар режаси тузиш; тезкор йиғилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.
1. Хужжатни амалга ошириш бўйича амаллий чора-тадбирларни, зарурат бўлганда Бош вазир ҳузурида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
  2. Қарор, фармойиш ижросини ташкил этиш:
    - хизмат сафарлари ва вазирликларда, идораларда ва ҳокимликларда мақсадли ўрганиш давомида ишларнинг аҳолини таҳлил қилиш;
    - қарор (фармойиш)нинг бажарилишини департаментда, бошқармада, бўлимда, Бош вазирнинг тармоқ бўйича ўринбосарида, Комплекслар йиғилишларида кўриб чиқиш;

1. Имзоланган қарор (фармойиш) олинган кунда.
  2. Хужжат тушган кунда.
  3. Имзоланган санадан бошлаб уч кун муддатда, зарур бўлганда имзоланган кунда.
1. Имзоланган санадан бошлаб уч кун муддатда, зарур бўлганда имзоланган кунда.
  2. Белгиланган муддатда
    - ишчи режа муддатлари бўйича;
    - ишчи режа муддатлари бўйича;

1. Департамент, бошқарма, бўлим мутахассиси. Умумий бўлим мутахассиси.
  2. Мутахассис. Назорат бўлими мудир.
  3. Мутахассис. Департамент, бўлим мудир, бошқарма бошлиғи.
1. Бош вазир ўринбосари. Бош вазир.
  2. Бош вазир ўринбосари. Департамент, бошқарма, бўлим мутахассислари.
- Департамент, бўлим мудир, бошқарма бошлиғи.

— кўйилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларига нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини кўриш;

— қарор (фармойиш)ни назоратдан чиқариш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклифларни умумлаштириш ва киритиш. Вазирлар Маҳкамаси (Раёсати) мажлиси кун тартибига киритиш.

3.

Назоратдан чиқариш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши	
ВМ мажлисида	ВМ Раёсатида
	Сўров тартибда

Бош вазир ўринбосари.

— ҳар чоракда .  
Комплекслар мажлисларида

Мутахассис. Департамент, бўлим мудир, бошқарма бошлиғи. Бош вазир ўринбосари. Назорат бўлими.

белгиланган муддатларда.

4. Ишлар номенклатурасига мувофиқ хужжатларни инспекторга топшириш, архивга топширишга тайёрлаш.

4. Назоратдан чиқарилгандан сўнг жадвал бўйича.


4. Бош вазир ўринбосарларнинг инспекторлари. Департамент, бошқарма, бўлимлар мутахассислари.

5. Назоратдаги бандларнинг бажарилишини мунтазам равишда таҳлил қилиш. Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятини хабардор қилиш.

5. Ҳар ойда, ҳар чоракда.

5. Назорат бўлими. Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси.

## II. ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИ



1. Хужжатни рўйхатдан ўтказиш, 2а-назорат қарточкасини тўлдиретиш ва раҳбарга ахборот бериш.

2. Хужжатга раҳбарнинг аниқ топшириқ, бажарувчи ва муддатлар кўрсатилган ҳолдаги резолюцияси.

3. Раҳбарнинг резолюциясига мувофиқ бажарувчига етказиш 2а-қарточкасининг нусхаси назорат бўлинмаси (турух, шўба ёки ходим)га берилади.

4. Қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирлар, муддатлар ва шахсан бажарувчилар тасдиқланган ҳолда ҳайъат ёки ҳоким қарорини тайёрлаш ва қабул қилиш.

4а. 2а-назорат қарточкасини тўлиқ расмийлаштириш.

5. Қабул қилинган қарорни етказиш:

- а) бошқарувнинг худудий тармоқ органларига;
- б) туман, шаҳар ҳокимликларига;
- в) тасарруфдаги корхоналарга;
- г) Вазирлар Маҳкамаси Департаменти (ёки бўлими)га.

1. Хужжат олингандан сўнг 30 дақиқа мобайнида.

2. Хужжат олинмишига кўра.

3. Раҳбар резолюциясидан сўнг 30 дақиқа мобайнида.

4. Хужжат олинган санадан бошлаб уч кун муддатда, агар ВМ топшириғида бошқа муддатлар кўрсатилмаган бўлса.

4а. Қарор қабул қилинган кунда.

5. Қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кеча-кундуз муддатда.

1. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари, ёрдамчи.

2. Вазир, идоранинг раҳбари, ҚҚР Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва шаҳар ҳокими.

3. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари, ёрдамчи.

4. Вазир, идоранинг раҳбари, ҚҚР Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва шаҳар ҳокими.

4а. Назорат бўлинмаси (турух, шўба), ходим

5. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари.

**6. Қабул қылынган қарорларның бажарилышини ташкыл этиш:**

— талбирларни амалга ошириш, қуйи таркибий бўлиналардаги ишларнинг аҳволини ўрганиш;  
 — хужжатнинг бажарилышини вазирлик, идора хайъатида, ҳокимлик раҳбари хузурида кўриб чиқиш. **Йул қўйылган камчиликлар учун таркибий бўлиналар раҳбарларига нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини кўриш;**

— қарор, фармойишнинг бажарилыши тўғрисидаги ахборотни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Департаментига, бўлимлариға тақдим этиш. Зарур бўлган ҳолларда муаммоли масалаларни ҳал этиш тўғрисида, шунингдек, хужжатни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар киритиш.

**6. Белгиланган муддатларда.**

жадвалға мувофиқ  
 белгиланган муддатларда, зарур бўлган ҳолларда тезкорлик билан

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишларида белгиланган муддатларда.

**6. Қарорнинг бажарилиши учун шахсан масъул раҳбар.**

Вазирлик, идора, ҳокимлик мутахассислари.  
 Вазирлик, идора, ҳокимлик раҳбари.

Вазирлик, идора, ҳокимлик раҳбари.

**III. БОШҚАРУВНИНГ ХУДУДИЙ ТАРМОҚ ОРГАНЛАРИ, ТУМАН, ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИ**

1. Умумий бўлим, канцелярия мудирилари, ёрдამчи.
2. Виолят бошқармаси, ҳокимлик, корхона раҳбари.

1. Хужжат олинган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида.
2. Хужжат олиныши биланок.

1. Хужжатни рўйхатдан ўтказиш, 26-вазират қарғочкасини тўлдирив ва раҳбарға ахборот бериш.
2. Хужжатға раҳбарнинг аниқ топширик, ижрочи ва муддатлар кўрсатилган ҳолдаги резолюцияси.

Бошқару- нинг худудий тармоқ органлари	Туман, шаҳар ҳокимлик- лари
Тасарруфдаги корхоналар	



3. Қарор қабул қилиш: вилоят бошқармаси бүйича буйруқ ҳоким қарори; қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун муддатлари ва шахсан масъул ходимлар кўрсатилган ҳолда корхона бүйича буйруқ.

4. 26-назорат карточкасини расмийлаштириш, тасарруфдаги корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга ижро этиш учун, шунингдек, тегишли вазирликлар, идоралар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маълумот учун юбориш.

5. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этиш:

— қабул қилинган қарорларда тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш;

— вилоят бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимликлари ва корхоналар раҳбарлари ҳузурида қарорларнинг бажарилишини кўриб чиқиш. Иш қўйилган камчиликлар учун мансабдор шахсларга ва мутахассисларга инебатан шахсий жавобгарлик чоралари кўриш;

— вазирликлар, идоралар хайъати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими қарорининг бажарилиши тўғрисида ахборотлар тақдим этиш. Зарур бўлганда, муаммоли масалаларни ҳал қилиш тўғрисида, шунингдек, ҳужжатни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар киритиш.

3. Хужжат тушган кундан бошлаб икки кун муддатда.

4. Қарор қабул қилинган кунда.

5. Белгиланган муддатларда

тасдиқланган муддатда;

белгиланган муддатларда;

вазирлик, идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қароридagi муддатларда.

3. Вилоят бошқармаси, ҳокимлик, корхона раҳбари.

4. Назорат бўлини маси, ходим. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари.

5. Қарорни амалга ошириш учун жавобгар раҳбар, ходим.

Таркибий бўлини мларнинг ходимлари, мутахассислари ва раҳбарлари;

Вилоят бошқармаси, ҳокимлик, корхона раҳбарлари;

Вилоят бошқармаси, ҳокимлик, корхоналар раҳбарлари, назорат бўлини маси, ходим.

1-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ

Сана

Ҳужжат тури (Президент Фармони, Қарори, Фармойиши, топшириғи)

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

ВМга келиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам) Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р

(рақам)

Ҳужжатнинг номи: \_\_\_\_\_

Президент резолюцияси: \_\_\_\_\_

Президент Котибияти (Давлат маслаҳатчиси)нинг топшириғи: \_\_\_\_\_

Муддати: (сана)

Бош вазирнинг резолюцияси: \_\_\_\_\_

Масъул: (Ф.И.О., лавозими)

муддати: (сана)

Назорат бандлари: \_\_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида назорат учун масъул:

Бажарувчи:  
вазирлик, идора, ҳокимлик  
Бажариш муддати \_\_\_\_\_  
(сана)

Ф.И.О., лавозими  
Ахборот бериш муддати \_\_\_\_\_  
(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

**Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
ҳокимликлари учун**

**1а-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Сана

Ҳужжат тури (Президент Фармони, Қарори, Фармойиши, топшириғи)

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

(вазирлик, идора, ҚҚР Вазирлар  
Кенгаши, ҳокимлик)

га қелиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам)

Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р (рақам)

Ҳужжатнинг номи: \_\_\_\_\_

Президент резолюцияси: \_\_\_\_\_

Президент Котибияти (Давлат  
маслаҳатчиси)нинг топшириғи: \_\_\_\_\_

Раҳбарнинг резолюцияси: \_\_\_\_\_

Масъул: (Ф.И.О., лавозими) муддати: (сана)

Қабул қилинган қарор: \_\_\_\_\_  
(вазирликлар, идора, ҚҚР Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар)

Назорат учун масъул: (Ф.И.О., лавозими)

Назорат бандлари: \_\_\_\_\_

**Назорат учун масъул:**

**Ф.И.О., лавозими**

**Ахборот бериш**

**муддати \_\_\_\_\_**

(сана)

**Бажарувчи:**

туман, шаҳар ҳокимлиги,  
ташкилот, корхона, хўжалик

**Бажариш муддати \_\_\_\_\_**

(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

<b>Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.</b>	<b>Имзо</b>	<b>Сана</b>	<b>Вақти</b>
1.			
2.			
3.			

**Бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органлари, туман,  
шаҳар ҳокимликлари ва корхоналар учун**

**16-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Сана

Ҳужжат тури

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи,  
туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона)

га келиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам) Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р (рақам)

Ҳужжатнинг номи: \_\_\_\_\_

Юқори органнинг топшириғи: \_\_\_\_\_

Раҳбарнинг резолюцияси: \_\_\_\_\_

(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи,  
туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона)

Масъул: (Ф.И.О., лавозими) муддати: (сана)

Қабул қилинган қарор: \_\_\_\_\_

(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи,  
туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона)

Назорат учун масъул: (Ф.И.О., лавозими)

Назорат бандлари: \_\_\_\_\_

- 1.
- 2.

Назорат учун масъул:

Ф.И.О., лавозими

Ахборот бериш

муддати \_\_\_\_\_

(сана)

Бажарувчи:

ташкilot, хўжалик

Бажариш муддати \_\_\_\_\_

(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

**2-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Сана

Ҳужжатнинг тури (ВМ қарори, фармойиши)

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

ВМга тушган санаси

(сана)

Карточка (рақам)

Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р (рақам)

Ҳужжатнинг номи: \_\_\_\_\_

Бажарувчи: ВМ ходимининг Ф.И.О., лавозими

Назорат бандлари: \_\_\_\_\_

1.

2.

3.

4.

**Вазирлар Маҳкамасининг**

**Ижро этувчи аппаратида**

**назорат учун масъул:**

**Ф.И.О., лавозими**

**Ахборот бериш муддати \_\_\_\_\_**

(сана)

**Бажарувчи:**

**вазирлик, идора, ҳокимлик**

**Бажариш муддати \_\_\_\_\_**

(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

**Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
ҳокимликлари учун**

**2а-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Сана

Ҳужжатнинг тури (ВМ қарори, фармойиши)

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

(вазирлик, идора, ҚҚР Вазирлар  
Кенгаши, ҳокимлик)

га келиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам) Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

к/р (рақам)

Ҳужжатнинг номи: \_\_\_\_\_

Раҳбарнинг резолюцияси: \_\_\_\_\_  
(вазирлик, идора, ҚҚР Вазирлар Кенгаши, ҳокимлик)

Масъул: (Ф.И.О., лавозими) муддати: (сана)

Қабул қилинган қарор: \_\_\_\_\_  
(вазирлик, идора, ҚҚР Вазирлар Кенгаши, ҳокимлик)

Назорат учун масъул: (Ф.И.О., лавозими)

Назорат бандлари: \_\_\_\_\_

- 1.
- 2.
- 3.

**Назорат учун масъул:**

**Ф.И.О., лавозими**

**Ахборот бериш**

**муддати** \_\_\_\_\_

(сана)

**Бажарувчи:**

**туман, шаҳар ҳокимлиги,  
ташкилот, корхона, хўжалик  
Бажариш муддати** \_\_\_\_\_

(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

**Бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органлари, туман,  
шаҳар ҳокимликлари ва корхоналар учун**

**26-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Сана

Ҳужжат тури

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи,  
туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона)

га келиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам) Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р (рақам)

Ҳужжатнинг номи: \_\_\_\_\_

Юқори органнинг топшириғи: \_\_\_\_\_

Раҳбарнинг резолюцияси: \_\_\_\_\_

(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи,  
туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона)

Масъул: (Ф.И.О., лавозими) муддати: (сана)

Қабул қилинган қарор: \_\_\_\_\_

(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи,  
туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона)

Назорат учун масъул: (Ф.И.О., лавозими)

Назорат бандлари: \_\_\_\_\_

1.

2.

**Назорат учун масъул:**

**Ф.И.О., лавозими**

**Ахборот бериш муддати** \_\_\_\_\_

(сана)

**Бажарувчи:**

**ташкилот, ҳўжалик**

**Бажариш муддати** \_\_\_\_\_

(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

**Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари,  
идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари,  
компаниялари ва бошқа марказий муассасалари  
аппаратларида иш юритиш бўйича  
НАМУНАВИЙ ЙЎРИҚНОМА**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Намунавий йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компанияларида ва бошқа марказий муассасаларида\* ҳужжатларни тайёрлаш қоидалари, усуллари ва жараёнларини, улар билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Иш юритишнинг аҳволи учун жавобгарлик ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярияга, котибга; шахсан — мазкур таркибий бўлинманинг раҳбари зиммасига юкланади.

Таркибий бўлинмада ҳужжатлар билан ишлаш котибга ёки ушбу иш учун тайинланган бошқа шахсга юкланади.

Ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия таркибий бўлинмаларда ва тасарруфдаги ташкилотларда ҳужжатлар билан ишлашнинг ташкилий ва услубий раҳбарлигини амалга оширадилар.

3. Янги қабул қилинган ходимлар таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан аппарат тузилмаси билан, белгиланган иш тартиби ва ташкилотда иш юритиш бўйича йўриқнома билан таништирилиши керак.

**II. БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ**

4. Бошқарув ҳужжатларининг таркиби: ташкилотларнинг ваколатлари ва функциялари билан; бошқарув функцияларини амалга ошириш бўйича бошқарув ҳаракатлари доираси билан; масалаларни (якка бошчилик ёки коллегиял ҳолда) ҳал қилиш тартиби билан; уставлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган бир ёки турли даражадаги бошқарув ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ҳажми ва хусусияти билан белгиланади.

5. Ташкилотлар ҳужжатларининг қўлланилаётган шакллари сонини қисқартириш мақсадида ташкилотларнинг функциялари ва вази-

---

\* Кейинги ўринларда «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари» сўзлари ўрнига «ташкилот» сўзи қўлланилади.



фаларини амалга ошириш учун зарур ва етарли бўлган ҳужжатларнинг тармоқ табелларини ишлаб чиқадилар. Табелга анъанавий ҳужжатлар ҳам, ҳисоблаш техника воситалари билан яратиладиган ҳужжатлар ҳам киритилади. Табель ташкилот, унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар (уставлар) ҳамда лавозим йўриқномалари асосида тузилади. Табелни тузишда, шунингдек ҳужжатлар номенклатураси, сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар рўйхати доимий ва вақтинча муддатларда сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилдлари рўйхатларидан фойдаланилиши мумкин.

Табель уни тузиш учун масъул шахс томонидан имзоланади ва раҳбар томонидан тасдиқланади.

Табелни юритиш, унга ўзгартиришлар киритиш ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия, котиб томонидан амалга оширилади. Табелда кўрсатилмаган ҳужжатларни тузиш тақиқланади.

### **Жўнатиладиган ва ички ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш**

6. Ҳужжатлар тегишли бланкаларга ёзилади. Ташкилотларнинг бланкларидagi доимий реквизиитлари давлат тилида ёзилади.

7. Ҳужжат муаллифи ташкилот номи ва унинг коди ташкилот тўғрисида низом (устав)га корхоналар ва ташкилотлар умумий классификаторига мувофиқ кўрсатилади. Улар, қоидага кўра, бланкни тайёрлашда ёздирилган бўлиши керак.

8. Ҳар бир ҳужжатда (хатлардан ташқари) унинг тури (қарор, фармойиш, буйруқ, баённома, маълумотнома ва шу кабилар) кўрсатилиши керак.

9. Аксарият ҳужжатлар учун ҳужжат мазмунини акс эттирувчи қисқа ва аниқ сарлавҳа бўлиши шарт. Масалан: буйруқ (нима тўғрисида?) «корхона ташкил этиш тўғрисида»; баённомаси (ниманинг?) «илмий кенгаш мажлисининг».

A5 (148×210) ўлчамдаги ҳужжатларда ва телеграммаларда матнга сарлавҳа қўйилмаслиги мумкин.

10. Ҳужжат мазмуни имкони борича лўнда, қисқа иборалар билан, қийин бўлмаган сўз тузилишида баён этилади.

Қисқартириш Давлат органлари жамоат ташкилотлари ва муассасалар номларини ёзиш бўйича маълумотномага мувофиқ қўлланилади. Агар матнда фамилиялар, географик номлар ёки айрим маъмурий-худудий бирликлар санаб ўтилса, улар алфавит тартибида жойлаштирилади.

Агар узлуксиз боғланган матн бир нечта қарорлар, хулосалардан иборат бўлса, уни араб рақамлари билан рақамланадиган бўлимларга, кичик бўлимларга, бандларга ажратиш лозим.

Ҳужжатлар матнларини икки қисмга ажратиш тавсия этилади: биринчи қисмда ҳужжат тузишнинг асослари ёки сабаблари кўрсатилади, иккинчисида — қарорлар, фармойишлар, таклифлар, фикрлар, хулосалар, илтимослар баён этилади.

Агар ҳужжат мазмунини тушунтириш ва асослаш зарурати бўлмаса, матн битта хулоса қисмдан иборат бўлиши мумкин: буйруқлар таъкидлаш қисмисиз қарор қисми, хатлар — тушунтиришсиз илтимос қисми ва шу кабилар.

Ҳужжатнинг узлуксиз боғланган матни доимий ахборотни сақловчи ва узлуксиз ахборотларни киритиш учун бўш жойлар трафарет асосида тузилган бўлиши мумкин.

Баённома матни учинчи шахс номидан («эшитдилар», «сўзга чиқдилар», «қарор қилдилар») кўплик сонда баён қилинади, нутқлар мазмуни учинчи шахс номидан бирлик сонда баён қилинади.

11. Ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаб берувчи (низом, йўриқнома ва бошқа), шунингдек, фактларни баён этиш ёки баҳолашдан (далолатнома, маълумотнома ва бошқа) иборат бўлган ҳужжатларда матнни учинчи шахс номидан бирлик ёки кўплик сонда («бўлим функцияларни амалга оширади», «бирлашма таркибига киради», «комиссия белгилади») баён қилиш шакли ишлатилади.

12. Хатларда қуйидаги баён этиш шаклларида фойдаланилади:

биринчи шахс номидан кўплик сонда («жўнатишни сўраймиз», «кўриб чиқиш учун жўнатмоқдамиз»);

биринчи шахс номидан бирлик сонда («зарур деб ҳисоблайман», «ажратишни сўрайман»);

учинчи шахс номидан бирлик сонда («вазирлик қарши эмас», «Ўздавстандарт» маркази амалга оширса бўлади деб ҳисоблайди»).

13. Телеграммалар матнлари алоқанинг абонентлик пункти (вилоят ҳокимликлари ва МДХ мамлакатлари пойтахтлари) орқали жўнатишганда тўлиқ матн билан ёзилади, алоқанинг почта бўлими орқали бошқа хат олувчиларга (туманларга ва хусусий шахсларга) жўнатишганда эса телеграмма матнида имкон борича олмошлар, қўшимчалар, қўмакчилар қолдирилади, агар бунда мазмун бузилмаса. Рақамли маълумотлар, бузилишига йўл қўймаслик учун, сўзлар билан ёзилади. Телеграмма матнининг охирида уни рўйхатга олиш рақами кўрсатилади, унинг олдида «рақами» сўзини алмаштирувчи «РҚ» ҳарфлари қўйилади.

14. Агар ҳужжатда матнда қайд этилган илова бўлса, у ҳолда иловалар борлиги тўғрисидаги белги қуйидаги шакл бўйича расмийлаштирилади:

Илова: 10 варақда, 2 нусхада.

Агар ҳужжатда матнда кўрсатилмаган илова бўлса, уларнинг номи ҳар бир иловадаги варақлар сони ва нусхалар сони кўрсатилган ҳолда санаб ўтилиши керак. Масалан:

Илова: 1. Янги ўқув йилига мактабларнинг тайёргарлиги тўғрисида маълумотнома 8 варақда, 2 нусхада.  
2. Мактаблар рўйхати 3 варақда, 2 нусхада.

Агар ҳужжатга иловаси бор бошқа ҳужжат илова қилинса, у ҳолда илованинг борлиги тўғрисидаги белги қуйидаги шакл бўйича расмийлаштирилади:

Илова: Мамлакатлараро муносабатлар масалалари бўйича доимий комиссиянинг 1998 йил 25 январдаги хулосаси ва унга илова, жами 21 варақда, 2 нусхада.

Агар илова ҳужжатда кўрсатилган барча манзилларга жўнатилмаётган бўлса, у ҳолда иловаларнинг борлиги тўғрисидаги белги қуйидаги шаклда расмийлаштирилади:

Илова: 5 варақда, 2 нусхада — биринчи манзилга.

Агар илова брошюраланган бўлса, у ҳолда варақлар сони кўрсатилмайди.

15. Ҳужжатлар манзилларга жўнатилаётганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиниши керак:

ҳужжатлар ташкилотларга, уларнинг таркибий бўлинмаларига ёки аниқ шахсга жўнатилади;

ташкилот номи ва таркибий бўлинма бош келишида, лавозим ва фамилияси эса жўналиш келишигида кўрсатилади, масалан:

Электрмеханика заводи

Режалаштириш бўлими

Катта иқтисодчи

К.Х. Зиёева;

ҳужжат ташкилот раҳбарига жўнатилганда ташкилот номи олувчи лавозимининг таркибига киради, масалан:

«Ўзгипроқишлоққурилиш»

институту директори

С.К. Қаюмовга;

агар ҳужжат бир турдаги бир нечта ташкилотларга жўнатилаётган бўлса, у ҳолда уларни умумлашган ҳолда кўрсатиш лозим, масалан:

Бош бошқармалар, бошқармалар  
ва бўлимлар бошлиқларига;

ҳужжатни олувчилар тўрттадан ошмаслиги керак. «Нусха» сўзи иккинчи, учинчи ва тўрттинчи олувчилар олдида кўрсатилмайди;

ҳужжатни тўрттадан кўп манзилга жўнатилганда тарқатиш (юбориш) рўйхати тузилади ва ҳар қайси ҳужжатда фақат битта олувчи кўрсатилади;

ҳужжатни хусусий шахсга жўнатганда аввал почта манзили, кейин исми ва отасининг исми (бош ҳарфлари), фамилияси ёзилади, масалан:

700000, Тошкент ш., Ҳамид Олимжон кўчаси, 11, 5-хонадон  
Т.А. Аҳмадовга.

16. Ҳужжатлардаги сана икки усулдан бири билан расмийлаштирилади. Масалан:

1999 йил 12 январь ёки 99.12.01.

Биринчи усул молиявий тусдаги маълумотлардан иборат бўлган ҳужжатлар матнида сана кўрсатилганда кўпроқ қўлланилади, иккинчиси — ҳужжатларга сана қўйилганда, ҳужжатларга резолюциялар, визалар, бажарилганлиги ҳақида белгилар қўйилганда.

17. Ҳужжат ташкилот раҳбар ходимлари томонидан ёки амалдаги қонун ҳужжатлари ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар (низом ёки ташкилот устави)да белгиланган уларнинг ваколатларига мувофиқ бошқа мансабдор шахслар томонидан имзоланади.

«Имзо» реквизити таркибига: ҳужжатни имзолаётган шахснинг амалдаги лавозими номи, унинг шахсий имзоси ва имзосининг ёйилмаси (исми, отасининг исми бош ҳарфлари ва фамилияси) киради.

Ҳужжатларни «унинг ўрнига» деган олд кўмакчи, шунингдек лавозими номи олдида қия чизик билан имзолашга йўл қўйилмайди.

Икки мансабдор шахснинг имзолари коллегиял органлар ҳужжатларига қўйилади. Қарорлар ва баённомаларни коллегиял органнинг раҳбари ва котиби томонидан имзолаш тавсия этилади.

Коллегиял органларда яққа бошчилик тартибида қабул қилинадиган фармойишларда битта имзо бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ имзолар, агар ҳужжат мазмуни учун бир нечта шахслар (масалан, далолатномалар, молия ҳужжатлари, бир нечта ташкилотлардан чиқувчи ҳужжатлар) жавобгар бўлган тақдирда қўйилади.

Комиссия томонидан тайёрланган ҳужжатларда уни тайёрлаган шахслар лавозими эмас, балки комиссия таркибидаги вазифалари тақсимланиши кўрсатилади.

Масалан:

Комиссия раиси имзо В.В. Маҳмудов  
Комиссия аъзолари имзолар А.И. Акимов, Р.С. Абдурахмонов

Ҳужжат бир неча мансабдор шахслар томонидан имзоланганда уларнинг имзолари эгаллаб турган лавозимларига мувофиқ биттасининг остида бошқалари навбат билан жойлашади. Масалан:

Институт директори имзо З.А. Ҳошимов  
Бош бухгалтер имзо В.В. Собиров

Ҳужжат лавозимлари тенг бир нечта шахслар томонидан имзоланганда уларнинг имзолари бир қаторда жойлашади:

Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг	Меҳнат вазирининг
ўринбосари	ўринбосари
имзо Ф.З.Комилов	имзо Т.С. Тожиев

18. Келишиш ҳужжат лойиҳасини дастлабки кўриб чиқиш ва баҳолаш усули ҳисобланади.

Келишиш ташкилот ичида ҳам (турли таркибий бўлинмалар ва мансабдор шахслар билан), унинг ташқарисида ҳам (ҳужжат лойиҳасидаги масалаларга уларнинг ваколатларига мувофиқ бевосита муносабати бўлган бўйсунувчи ва бўйсунмайдиган ташкилотлар билан) амалга оширилиши мумкин.

Ҳужжат лойиҳасини ички келишув имзоловчининг шахсий имзоси ва имзолаш санасини ўз ичига олган виза билан расмийлаштирилади. Зарур бўлган ҳолларда имзоловчининг лавозими кўрсатилиши мумкин. Унинг имзоларини (исми, отаси исмининг бош ҳарфлари, фамилияси) кенгайтириб ёзиш шарт, масалан:

Юридик бўлим бошлиғи  
имзо С.К. Махсумов  
99.24.01.

Ҳужжат лойиҳаси бўйича мулоҳазалар ва қўшимчалар алоҳида варақда баён қилинади, бу тўғрида лойиҳада тегишли белги қўйилади. Визалар ҳужжатларнинг ташкилотда қолдирилаётган нусхаларига, олд томонига, имзо остига қўйилади.

19. Ташқи келишув келишиш устхати, келишув тўғрисидаги маълумотнома, келишув варағи ёки коллегиял орган мажлисида ҳужжат лойиҳаси муҳокамасининг баённомасини тақдим этиш билан расмийлаштирилиши мумкин.

Келишиш устхати «Келишилган» сўзидан, ҳужжат келишиб олинадиган шахс лавозимининг номи (ташкилот номи билан

биргаликда), шахсий имзоси, унинг ёйилмаси ва санасидан иборат бўлади. Масалан:

**КЕЛИШИЛГАН**  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги  
Кадрлар бўлими бошлиғи  
имзо А.С. Содиқов  
99.14.01.

Агар келишув коллегиал орган ёки хат воситасида амалга оширилса, у ҳолда келишув устхати қуйидаги шаклда расмийлаштирилади:

**КЕЛИШИЛГАН**  
Касаба уюшмаси қўмитаси  
99.10.01 даги мажлиси  
3-сон баённомаси

**КЕЛИШИЛГАН**  
«Ўздавбошархив»  
бошқармасининг 99.12.01 даги  
01-4/185-сон хати

Келишув устхатлари «Имзо» реквизитларидан пастга ёки келишувнинг алоҳида варағига жойлаштирилади.

Келишув варағи ҳужжат мазмуни бир неча ташкилот манфаатларига дахлдор бўлган ҳолларда тузилади, бу ҳақда устхат ўрнига белги қўйилади.

20. Тасдиқланиши керак бўлган ҳужжат имзоланган, тасдиқланган вақтдан бошлаб юридик кучга кириди.

Ҳужжатлар ташкилот раҳбари томонидан ёки тасдиқланадиган ҳужжатларда баён этилган масалаларни ҳал қилиш ваколатига кирадиган юқори раҳбар томонидан тасдиқланади.

Агар ҳужжат аниқ мансабдор шахс томонидан тасдиқланса, тасдиқлаш устхати «ТАСДИҚЛАЙМАН» сўзидан, ҳужжатни тасдиқлаётган шахс лавозимининг номи, шахсий имзоси, имзосининг ёйилмаси ва санасидан иборат бўлади. Масалан:

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
институт директори  
имзо С.Н.Раҳимов  
99.17.01.

Ҳужжат юқори ёки бегона ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланганда лавозим номига ташкилот номи қўйилади, масалан:

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
«Ўзгипроқишлоққурилиш»  
институту директори  
имзо С.Н. Раҳимов  
99.17.01.

Агар ҳужжат қарор, буйруқ, баённома билан тасдиқланаётган бўлса, у ҳолда тасдиқлаш устхати «ТАСДИҚЛАЙМАН» сўзидан, санаси ва тартиб рақами кўрсатилган бош келишиклаги ҳужжат номидан иборат бўлади. Масалан:

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Институт директорининг  
99.20.01 даги 5-сон буйруғи

ёки

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Меҳнат жамоаси йигилишининг  
99.15.01 даги 3-сон баённомаси

Тасдиқлаш устхати ҳужжатнинг юқори ўнг бурчагида бўлади.

21. Пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сарфланиши фактларини қайд қилувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқларини тасдиқловчи, шунингдек ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳужжатларда жавобгар шахснинг имзоси гербли муҳр билан тасдиқланади. Муҳр босилганда у ҳужжатни имзолувчи шахснинг лавозими номининг бир қисмини қоплаб туриши керак. Муҳр сақланадиган жой ва уни сақлаш учун жавобгар шахс ташкилот раҳбари томонидан аниқланади.

22. Ташкилот фақат ташкилотнинг ўзида тайёрланган ҳужжатлардан нусха бериши мумкин (бу қоида архив муассасалари ва нотариатга қўлланмайди).

Фуқароларни ишга, ўқишга қабул қилиш, уларнинг меҳнат, турар-жой ва бошқа ҳуқуқларини қондиришга тааллуқли ишларни ҳал қилишда, шахсий ҳужжат йиғмажилдларини шакллантиришда ташкилот бошқа ташкилотлар томонидан берилган ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган (олинган маълумот тўғрисидаги дипломлар, гувоҳномалар нусхалари) ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаши мумкин.

Ҳужжат нусхаси ташкилот раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари рухсати билан тайёрланади ва берилади.

Ҳужжатдан тўлиқ, шу жумладан бланк элементларидан нусха кўчириш қўлда ёзиш, машинкада кўчириш усуллари ёки тезкор матбаа воситалари билан амалга оширилади.

Ҳужжат нусхасининг биринчи варағига «нусха» белгиси қўйилади. Тасдиқловчи ёзув: тўғри, лавозимининг номи, тасдиқловчи шахснинг шахсий имзоси, унинг исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси, нусха тасдиқланган сана шакли бўйича тўлдирилади.

Масалан:

Кадрлар бўлими инспектори  
99.25.01.  
имзо М. Т. Тўраева

Ҳужжатдан олинган нусхаларни бошқа ташкилотларга жўнатишда ёки уни қўлга беришда тасдиқловчи имзо муҳр билан тасдиқланиши керак.

Чиқувчи ҳужжатнинг (жўнатилган) кўчирилган нусхаси ҳужжатни тузган шахсларнинг визаларини ва ҳужжат келишиб олинган шахслар визаларини ўз ичига олади. Унга асл нусхани имзолашдаги барча тузатишлар киритилади. Бланк матни такрор қўйилмайди, унинг ўрнига имзоланган сана ва рўйхатга олиш индекси қўйилади.

Асл нусхадаги имзо факсимиль воситасида тикланмайдиган ҳужжатлар нусхалари муҳр билан тасдиқланади.

Кўпайтирилган нусхада буюртманинг тартиб рақами ва адади кўрсатилади.

23. Ҳужжатни ижро этиш бўйича кўрсатмалар резолюция шаклида берилади, унинг таркибига қуйидаги мажбурий элементлар кириши керак: ижрочи (ёки ижрочилар)нинг фамилияси, топшириқнинг мазмуни, ижро муддати (зарур ҳолларда). Резолюция имзоланади ва сана қўйилади.

Масалан:

А.А. Максимовга

Маҳсулотларни сотиш режасини 1999 йил 21 январгача тайёрлашингизни сўрайман.

Мирзобоев 99.02.02.

Резолюция, қоидага қўра, ҳужжатнинг юқори қисмига «олувчи» реквизиитининг остига қўйилиши керак.

24. Ҳар бир ҳужжатда бевосита ижрочи тўғрисидаги белги бўлиши керак.

Ҳужжатни ижро этувчи (тузувчи)нинг фамилияси ва унинг хизмат телефони рақами ҳужжат охириги варағининг олд томонига ёки, жой бўлмаганда, орқа томонининг пастки чап бурчагига қўйилади. Масалан:

Азимбеков 44-15-20

### **III. КЕЛГАН ХАТ-ХАБАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ЖЎНАТИШ**

#### **Келувчи ҳужжатларни ишлаш тартиби**

25. Ҳужжатларни қабул қилиш ва дастлабки ишлаш марказлаштирилган ҳолда ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия ёки котиб томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатлар солинган конвертлар, шу жумладан буюртма конвертлар ҳам очилади, шу билан бирга унда ҳужжатлар (иловалари ҳам) борлиги текширилади.



Ҳужжатлар этишмаслиги ёки яроқсизланганлиги аниқланганда икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири умумий бўлим, канцелярия, котибда қолади, иккинчиси пакет келган ташкилотга жўнатилади.

Адашиб жўнатилган ҳужжатлар, ҳужжатга бирга келган конвертни илова қилган ҳолда, белгиланган жойига янги конвертларда жўнатилади ёки юборувчига қайтарилади.

Келиб тушган ҳужжатлар конвертлари (шу жумладан, фуқаролар хатлари) жўнагувчининг манзилини, ҳужжатнинг жўнатилган ва олинган вақтини, шунингдек шахсий ёки пулини тўлаб олинадиган ҳужжатларни фақат конверти бўйича аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда йўқ қилинмайди.

Олинган ҳужжат биринчи варағининг пастки қисмига рўйхатга олиш штампи қўйилади, унда олувчи ташкилотнинг қисқартирилган номи, ҳужжатнинг келиб тушган санаси ва унинг индекси бўлади.

«Шахсан» устхатли ёки жамоат ташкилотлари номига йўлланган ҳужжатлар очилмайди ва белгиланган олувчига берилади.

Машинада ўқиладиган ҳужжатлар келиб тушганда, қўшиб юборилган ҳужжатлар ишланади, машинада ўқиладиган материаллар жойланган идиши очилмасдан ҳисоблаш маркази (ХМ)га берилади.

26. Дастлабки кўриб чиқиш уларнинг мазмунини баҳолашдан келиб чиққан ҳолда, ташкилотда белгиланган вазифалар тақсимооти асосида амалга оширилади.

Бевосита таркибий бўлинмаларга ёки мансабдор шахсларга йўлланган ҳужжатлар дастлабки кўриб чиқишларсиз белгиланган олувчига берилади.

Фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятлари фуқароларнинг хатларини кўриб чиқиш бўйича махсус бўлинмаларга ёки ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия (котиб)га берилади.

Фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлашни ташкил этиш, шунингдек ташкилотлар раҳбарлари томонидан фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш тартиби алоҳида Низом билан белгиланади.

Ташкилот раҳбариятига ёки аниқ мансабдор шахс ва таркибий бўлинма кўрсатилмасдан юборилган ҳужжатлар дастлаб ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярияда, котиб томонидан кўриб чиқилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва юқори органлардан олинган ташкилот фаолиятининг асосий масалалари бўйича ахборотлар мавжуд бўлган раҳбарият қарорини талаб этувчи ҳужжатлар кўриб чиқиш учун раҳбариятга берилади.**

Қолган ҳужжатлар ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия, котиб томонидан дастлабки кўриб чиқишдан кейин раҳбар ўринбосарларига, улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ йўлланади.

27. Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижро этувчиларга бериш уларнинг келиб тушган кунда ёки иш вақти бўлмаган вақтда келиб тушганда биринчи иш кунда амалга оширилиши керак.

Бир нечта таркибий бўлинмалар томонидан ижро этиладиган ҳужжатлар уларга навбат билан ёки бир вақтнинг ўзида нусхаларда берилади. Ҳужжатнинг асли резолюцияда биринчи аталган масъул ижрочига берилади. Ҳужжатларни кўпайтириш зарурати ва нусхалар сони ижрони ташкил этувчи шахс томонидан аниқланади.

Келган ҳужжатни шошилиш равишда ижро этиш зарурати туғилганда ташкилот раҳбари кўриб чиққунгача унинг мазмуни билан ижрочини таништириб чиқишга йўл қўйилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан олинган ҳужжатлар ҳужжат олингандан сўнг бир соат мобайнида ижро этувчиларга берилади.**

### **Жўнатиладиган ҳужжатларни ишлаш тартиби**

28. Ҳужжатларни ишлаш ва жўнатиш амалдаги почта қодаларига мувофиқ, марказлаштирилган ҳолда ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия, котиб томонидан амалга оширилади.

Конвертга жойлаштиришдан аввал ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, иловаларнинг борлиги, нусхалар сонининг олувчилар сонига мувофиқлиги текширилади. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар пухта ишлаш учун ижрочига қайтарилиши керак.

29. Буюртма хат-хабарга жўнатиш рўйхати тузилади, унга экспедиция ходими ўзининг фамилияси ва жўнатиш санасини қўяди.

Машинада ўқиладиган ҳужжатларни жўнатиш ёзув манбалари ва уларга ёзилган ахборотларни сақлашнинг техник талабларига мувофиқ ҳолда ўраб-жойлаб амалга оширилади.

Машинада ўқиладиган ҳужжатларни жўнатиш илова хати бор бўлганда амалга оширилади. Илова хат нусхаси умумий асосларда йиғмажилдга тикилади.

Жўнатиш учун келиб тушадиган ҳужжатлар ўша куннинг ўзида ёки келгуси иш кунидан кечиктирмасдан ишланиши ва жўнатилиши керак.

30. Таркибий бўлинмалар ўртасида ҳужжатларни бериш таркибий бўлинмалар инспекторлари (котиблари) ёки иш юритиш учун масъул шахслар орқали амалга оширилади. Ҳужжатлар тегишли белги қўйилган ҳолда, рўйхатга олинган шаклда берилади.

31. Ҳужжатлар сонини ҳисобга олиш.

Ташкилотлар ҳужжатларни (айрим таркибий бўлинмалар ва ҳужжатлар туркум бўйича) ҳам тўлиқ, ҳам танлаб ҳисобга олиб боради. Фуқаролар таклифлари, аризалари ва шикоятлари мустақил равишда ҳисобга олинади. Ҳужжатлар сонини ҳисоблаб чиқишда ҳар қайси нусха, шу жумладан кўпайтирилган ва машинада ёзилганлари ҳам, бир бирлик сифатида қабул қилинади.

Тезкорлик билан кўпайтириш хизматларида ва машинкада ёзиш шўъбаларида ҳужжатлардан олинаётган нусхалари ҳисобга олиб борилади.

Ҳужжатлар сонини ҳисоблаш, ҳисобга олиш карточкалари ва ҳисобга олиш журналлари бўйича амалга оширилади. Ҳужжатлар билан автоматлашган тизим бўйича ишланганда — тегишли шакллар бўйича ҳисобга олиб борилади.

Ҳужжатларни ҳисобга олиш натижалари ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия, котиб томонидан умумлаштирилади ва ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш юзасидан чоратадбирлар ишлаб чиқиш учун ташкилот раҳбариятига тақдим этилади.

32. Ҳужжатлар билан ишлашнинг автоматлашган технологияси ҳужжатларни автоматлашган ишловни яратиш ва жорий этиш ҳамда шахсан биркирилган ЭҲМ ва автоматлашган иш жойи (АИЖ)дан фойдаланган ҳолда бошқа вазифаларни ҳал қилиш йўли билан амалга оширилади. Бунда ҳисоблаш техника воситаларининг ўзаро маълумотлари ва марказлаштирилган базалари (банклари) билан ахборот-техникавий жиҳатдан мувофиқлиги таъминланиши керак.

### **Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва индекслаш қоидалари**

33. Ҳужжат индексида унинг таркибий қисмларининг қуйидаги изчиллигига риоя қилинади: рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, йиғмажилдлар номенклатураси бўйича индекси, хат-хабарларнинг, ижрочиларнинг фойдаланиладиган классификатор бўйича индекси.

Бир нечта ташкилотлар томонидан биргаликда тузилган ҳужжатларга ягона сана (ҳужжатни имзолашнинг энг охириги санаси) кўрсатилади ва ҳужжатга ҳар қайси тузувчи ташкилот томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами қўйилади. Рақамлар ҳужжатда муаллифлар кўрсатмаси тартибида қия чизик орқали ёзилади (чапдан ўнгга).

Келган ҳужжатнинг индекси ва санасига далилий изоҳ жавоб берилаётган ҳужжатда кўрсатилган индекс ва санадан иборат бўлади.

34. Бажариш ва ҳисобга олишни талаб қиладиган барча ҳужжатлар — ташкилот ичида тузиладиган ва фойдаланиладиган ҳужжатлар ҳам, бошқа ташкилотларга йўлланадиган ҳужжатлар ҳам; юқори

тасарруфидаги ва бошқа ташкилотлардан ҳамда хусусий шахслардан келган барча ҳужжатлар рўйхатга олинishi керак.

Машинада ёзилган (қўлёзма) ҳужжатлар ҳам, ҳисоблаш техника воситаларида тузилган (машинада ўқиладиган, машинаграмма)лар ҳам рўйхатга олинishi керак.

Ҳужжатлар ташкилотда бир марта: келиб тушганлари — келиб тушган куни, тузилганлари — имзоланган ёки тасдиқланган куни рўйхатга олинади.

Рўйхатдан ўтказилган ҳужжат бир бўлинмадан бошқасига берилганда у қайта рўйхатга олинмайди.

35. Ҳужжатларни рўйхатга олиш, ҳужжатларнинг йўлланиши, муаллифи ва мазмунидан қатъи назар, туркумлар доирасида амалга оширилади. Масалан, асосий фаолият бўйича буйруқлар, шахсий таркиб бўйича буйруқлар, ҳайъат қарорлари, тафтишлар далолатномалари, моддий-техника таъминоти учун буюртгманомалар алоҳида рўйхатга олинади.

Ҳужжатларга рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамлари ҳар қайси рўйхатга олиш туркумлари доирасида берилади.

Ҳужжатни рўйхатга олиш жойи Иш юритиш йўриқномасида ёки ташкилот ҳужжатлари табелида белгиланади.

36. Ҳужжатлар рўйхатдан ўтказиш-назорат карточкалари (РЎНК) ёки журналларда рўйхатга олинади.

Карточкалар ва журналлар рўйхатга олишнинг қуйидаги мажбурий реквизитлар таркибига эга бўлиши керак: ҳужжатнинг муаллифи (корреспондент), номи, ҳужжат санаси, ҳужжат индекси (ташкилотга келиб тушувчи ҳужжатлар учун ҳужжатнинг келиб тушиш санаси ва индекси), ҳужжат сарлавҳаси ёки унинг қисқача мазмуни, резолюцияси (ижрочи, топшириқ мазмуни, муаллиф, сана), ижро этиш муддати, ижро этилганлиги ҳақидаги белги (масаланинг ҳал қилиниш моҳияти бўйича қисқача ёзув, амалда ижро этилиш санаси ва жавоб — ҳужжатнинг индекси), йиғмажилд тартиб рақами.

Автоматлаштирилган тизимда ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш мажбурий реквизитларни рўйхатга олиш базасида қурилган машинага мўлжалланган рўйхатдан ўтказиш-назорат карточкаларидан фойдаланган ҳолда ёки уларни ҳужжатдан тўғридан-тўғри киритиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий реквизитлар таркиби зарур ҳолда бошқа реквизитлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин, масалан: ижро этувчилар, ижронинг ҳужжатни олгандаги тилхати, ижронинг бориши, илова ва бошқалар. Рўйхатдан ўтказиш шаклларида реквизитларнинг жойлашиш ва карточканинг орқа томонидан фойдаланиш тартибини ташкилотнинг ўзи белгилайди.

Рўйхатдан ўтказиш-назорат карточкалари нусхалари сони ҳужжат ижро этиладиган ва назорат қилинадиган таркибий тузилмалардаги маълумот ва назорат карточкалари сони билан аниқланади.

Жавоб ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ҳаракатчан ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш шаклларида амалга оширилади. Жавоб ҳужжатга тегишли рўйхатга олиш массиви доирасида мустақил рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати, Вазирлар Маҳкамасидан келган ҳужжатларга жавобларда жавоби жўнатилаётган ҳужжатдаги тартиб рақами ва сана кўрсатилади.

«Ҳужжатнинг номи» устунни рўйхатдан ўтказилаётган ҳужжатнинг номига мувофиқ тўлдирилади. Хатлар рўйхатдан ўтказилганда устун тўлдирилмайди. Келиб тушувчи ҳужжатни рўйхатдан ўтказишда «Муаллиф» (корреспондент) устунига ташкилот (шахс) — ҳужжат муаллифи номи ёзилади. Жўнатилаётган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишда ташкилот (шахс) — корреспондент номи ёзилади. Ташкилот номини қисқарган ҳолда қўллашга йўл қўйилади.

«Ҳужжатнинг санаси» устунда ҳужжатга ташкилот — муаллиф томонидан берилган сана кўрсатилади, у уч жуфт араб рақамида ўтказилади.

«Ҳужжатнинг индекси» устунига келиб тушган ёки жўнатиладиган ҳужжатдан муаллиф — ташкилот томонидан ҳужжатга берилган индекс кўчирилади.

«Ҳужжатнинг келиб тушган санаси» устунда ҳужжатнинг ташкилотга келиб тушган санаси кўрсатилади, рўйхатдан ўтказиш штампидан уч жуфт араб рақами кўчирилади.

«Ҳужжатнинг келиб тушган индекси» устунига олувчи ташкилот томонидан берилган индекс киритилади, рўйхатдан ўтказиш штампидан кўчирилади.

Ҳужжат ижро этилгандан сўнг ҳужжатлар йиғмажилди номенклатураси бўйича йиғмажилд тартиб рақами билан ёки бошқа индекслари билан тўлдирилади.

«Ҳужжат сарлавҳаси» устунига ҳужжатдаги сарлавҳа ёки ҳужжатнинг қисқача мазмуни кўчирилади.

«Резолюция» устунига ҳужжатдан топшириқнинг асосий мазмуни, муаллиф ва резолюция санаси кўчирилади.

«Ижро этиш муддати» устунига йил, кун, ой, яъни ҳужжат ижро этилиши керак бўлган муддат уч жуфт араб рақамида қўйилади.

«Ижро этилиши ҳақида белги» устунига масалани моҳияти бўйича ҳал қилиниши қисқача ёзилади ёки жавоб ҳужжатнинг санаси ва индекси киритилади.

«Йиғмажилднинг тартиб рақами» устунига ҳужжат йиғмажилди номенклатурасига мувофиқ ҳужжат йиғмажилди индекси киритилади.

Фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятлари белгиланган шаклдаги рўйхатдан ўтказиш-назорат карточкаларида рўйхатдан ўтказилади.

37. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш мумкин.

### **Маълумотнома картотекалари, ахборот-қидирув массивлари**

38. Рўйхатдан ўтказиш-назорат карточкалари картотекаларга жойлаштирилади. Маълумотнома картотекаси икки қисмга: бажарилган ва бажарилмаган ҳужжатларга бўлинади.

Картотеканинг биринчи қисми бўлимлари ва рукнлари ҳужжатлар йиғмажилди номенклатураси бўлимлари ва рукнларига мувофиқ бўлади, яъни картотека бўлимлари муассасанинг таркибий бўлинмаларига, рукнлари эса — ҳужжатлар йиғмажилди сарлавҳаларига ва уларнинг номенклатура бўйича индексларига мувофиқ келади. Корреспондентлар, таркибий бўлинмалар (ижрочилар)нинг номлари ёки ойнанинг куни ижро этилмаган ҳужжатлардаги картотеканинг иккинчи қисми бўлимлари ҳисобланади.

39. Иккинчи қисм бўлимларидаги карточкалар ҳужжатларнинг ижро этилишига кўра, уларга қўйилган зарурий белгилар билан картотека биринчи қисмининг тегишли бўлимига ва рукнига қайта жойлаштирилади.

40. Аниқ вазифаларга кўра ташкилотларда, маълумот картотекаларидан ташқари, фуқаролар таклифлари, аризалари ва шикоятлари бўйича картотекалар ва идоравий нормативларга, буйруқларга, қарорларга тематик картотекалар ташкил этилиши мумкин.

41. Ҳисобга олиш карточкалари ҳужжатларни машинада ишлашда ҳужжатларнинг вазифалари, номлари ва кодлари бўйича, ҳар қайси турнинг ичида эса — бўлинмаларнинг тартиб рақамлари ёки номлари бўйича туркумланиши мумкин.

Ҳисобга олинadиган ҳужжатлар катта ҳажмда бўлганда тез-тез бўладиган сўровларга тегишли равишда ҳужжатларни ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

### **IV. ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

42. Рўйхатдан ўтказилган барча ҳужжатларнинг ижро этилиши назорат қилинади. Ижрони назорат қилиш ҳужжатни назоратга қўйишни, тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор масалалари бўйича назорат қилиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, ижронинг боришини, дастлабки текширувни ва таҳлилини, ҳужжатлар ижросини назорат қилиш натижаларини ҳисобга олиш ва умумлаштиришни, раҳбариятни хабардор қилишни, ўз вақтида ва сифатли ижрони таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсан жавобгарлик чораларини кўришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари рўёбга чиқарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори билан тасдиқланган Асосий қондаларга мувофиқ амалга оширилади.

Назорат қилиш бўйича асосий ишлар куйидаги схемалар бўйича амалга оширилади:

1-схема — Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда унинг аппарати ходимларининг топшириқлари ижро этилиши ва уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этиш (1-Илова);

2-схема — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини тайёрлаш, ижро этиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этиш (2-Илова);

3-схема — вазирликлар ва идоралар аппаратига келиб тушган хат-хабарларнинг ҳисобга олинishi, ҳаракати ва уларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил этиш (3-Илова);

4-схема — вазирликлар ва идораларда фуқаролар хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқишни ташкил этиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш (4-Илова).

43. Ташкилий-бошқарув ҳужжатларининг ижро этилишини назорат қилиш ташкилот раҳбарияти топшириғи бўйича ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия таркибига кирувчи махсус хизмат, махсус тайинланадиган гуруҳ ёки шахс томонидан амалга оширилади.

### Ҳужжатларни ижро этиш муддатлари

44. Ижро этиш муддатлари ҳужжат имзоланган (тасдиқланган) санадан бошлаб календарь кунларда ҳисобланади.

Ижро этишнинг охириги санаси ҳужжат матнида ёки раҳбар резолюциясида кўрсатилади.

45. Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ҳужжат жўнатиш кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида бажарилиши керак, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса.

46. Қонун ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикаси қабул қилган қонунларга мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар бир ой мобайнида бажарилиши керак, агар Олий Мажлис қарорида бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса.

Қонунлар лойиҳалари юборилган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари — 7 календарь кун мобайнида, қарорлар лойиҳалари бўйича — 3 календарь кун, фармойишларнинг лойиҳалари бўйича эса кўпи билан — 2 календарь кун мобайнида хулоса беришга мажбурдирлар.

47. Хужжатларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш, шунингдек уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига фақат юқори ташкилот, хужжатнинг муаллиф ташкилоти ва давлат назорат органлари эгадирлар.

48. Хужжат вазифалар, топшириқлар, сўровлар бажарилгандан сўнг натижалари манфаатдор муассасаларга ва шахсларга хабар қилингандан кейин ёки ижро бошқа хужжатлар тасдиқлангандан сўнг ижро этилган деб ҳисобланади ва назоратдан чиқарилади. Ижро натижалари рўйхатдан ўтказиш-назорат карточкаларида белгиланади.

49. Назорат карточкалари бўйича ижрочининг назорат қилиниши ва текширилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати (5-Илова):

1а, 1б Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқларининг баённомалари, топшириқларига (ёзма ва оғзаки), Ўзбекистон Республикаси Президенти Котибияти ва Давлат маслаҳатчиларининг топшириқлари.

2а, 2б Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Раёсати мажлислари баёнлари; Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Бош вазир ўринбосарларининг топшириқлари, ташкилотлар коллегиял органларининг буйруқлари, қарорлари.

50. Назорат қилинадиган хужжатлар карточкалари (назорат карточкаси) хужжатларни ижро этиш муддатлари, ижро этувчилар, хужжатлар гуруҳлари бўйича туркумланади.

51. Ижронинг боришини текшириш барча босқичларда муддати тугагунгача қуйидаги тартибда амалга оширилади: кейинги йиллар топшириқлари — йилига камида бир марта; жорий йилнинг кейинги ойлари топшириқлари — ҳар ойда камида бир марта; жорий ой вазифалари, топшириқлари — ҳар ўн кунда, муддати тугагунга қадар беш кун аввал.

Назорат хизмати (гуруҳи) таркибий бўлинмаларда хужжатларнинг бажарилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволини доимо таҳлил қилади, тегишли раҳбарларни улар томонидан таъсирчан чоратадбирлар қўриш учун ижро интизомининг аҳволи тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилади, кейинги ойда ижро этилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг аппаратининг назоратидаги топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари рўйхатини ҳар ойнинг 25 кунда тақдим этади, хужжатларни назоратдан чиқариш тўғрисидаги таклифларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди.

52. Ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия, котиб раҳбар томонидан белгиланган муддатда хужжатлар ижросининг бориши ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олади ва умумлаштиради.



## V. ҲУЖЖАТЛАР ЙИҒМАЖИЛДЛАРИ НОМЕНКЛАТУРАСИНИ ТУЗИШ ВА ҲУЖЖАТЛАР ЙИҒМАЖИЛДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

53. Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси — ташкилотда юритиладиган белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва уларни сақлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда тартибга солинган ҳужжатлар йиғмажилдлари сарлавҳалари рўйхатидир.

54. Ташкилотларда таркибий бўлинмалар, жамоат ташкилотларининг ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатуралари ва улар асосида барча ташкилотларнинг ҳужжатлар йиғмажилдлари йиғма номенклатураси тузилади.

55. Таркибий тузилмалар ва жамоат ташкилотлари ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси етакчи мутахассислар жалб қилинган ҳолда, ҳужжатлар учун жавобгар шахс томонидан тузилади, идоравий архив билан келишилади ва унинг раҳбари томонидан имзоланади (6-Илова).

56. Ҳужжатлар йиғмажилдлари йиғма номенклатураси ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия, котиб томонидан тузилади, ташкилотларнинг марказий эксперт (эксперт) комиссияси (МЭК, ЭК), сўнгра архив муассасасининг эксперт-текширув комиссияси (ЭТК) билан келишилади ва ташкилотлар раҳбари томонидан тасдиқланади (7-Илова).

57. Ҳужжатларни давлат сақловига топширмайдиган ташкилотлар ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини юқори ташкилотнинг МЭК (ЭК)си билан келишиб олишади.

58. Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини тузишда намунавий ва тахминий ҳужжатлар йиғмажилди номенклатурасига, намунавий ва идоравий рўйхатлар сақлаш муддатига, идоравий архивлар ишларининг асосий қоидаларига амал қилиниши лозим.

59. Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасига ташкилот ишларининг барча ҳужжатлаштирилган участкаларини акс эттирувчи ҳужжатлар йиғмажилди сарлавҳалари, шу жумладан маълумот ва назорат карточкалари, шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари, ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси киритилади.

60. Ҳар бир ҳужжатлар йиғмажилдига таркибий бўлинма индексдан (таркибий бўлинмалар классификацияси бўйича) ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси бўйича тартиб рақамидан иборат бўлган индекс берилади (масалан: 03-12). Ҳужжатлар йиғмажилдида бир нечта жилдлар (қисмлар) мавжуд бўлганда индекс ҳар бир жилдга «I ж, II ж,» қўшимчаси билан қўйиб чиқилади.

61. Ташкилотда келгуси календарь йилга ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси келгуси йилнинг охириги чорагида, белгиланган шаклда тузилади, зарур бўлган нусхада чиқарилади ва 1 январдан

бошлаб ҳаракатга туширилади. Ҳужжатлар йиғмажилди номенклатураси ташкилот функциялари ва тузилмалари ўзгарган тақдирда, бироқ 5 йилда камида бир марта қайта тузилади ва келишиб олинади.

У ҳар йили тегишли тўғрилашлар билан қайта тузилади ва тасдиқланади. Ташкилот ҳужжатлар йиғмажилдлари йиғма номенклатурасининг биринчи нусхаси ишлар бошқармасида, умумий бўлимда, канцелярияда, котибда сақланади, иккинчисидан — иш нусхаси сифатида фойдаланилади, учинчиси — идора архивида туриши керак, тўртинчиси — ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси келишиб олинган архив муассасасида қолади.

62. Йил давомида тасдиқланган ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасига ҳужжатлар йиғмажилди юритилганлиги тўғрисидаги, янги ҳужжатлар йиғмажилдлари киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Йил охирида унга турлари ва юритилган ҳужжатлар йиғмажилдлари тўғрисидаги якуний маълумотлар киритилади. Ташкилот ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасининг якуний ёзуви таркибий бўлинмаларнинг ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасининг якуний ёзувлари асосида тузилади.

### **Ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш**

63. Ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш — бу ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасига мувофиқ ҳужжатлар йиғмажилдларидаги ижро этилган ҳужжатларни гуруҳларга бўлишдир.

64. Ҳужжатлар йиғмажилдларини шакллантиришда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

ҳужжатлар йиғмажилдига номенклатура бўйича ҳужжатлар йиғмажилди сарлавҳаларига мувофиқ фақат ижро этилган, тўғри расмийлаштирилган ҳужжатларни жойлаштириш;

битта масаланинг ҳал қилинишига тааллуқли барча ҳужжатларни биргаликда жойлаштириш, иловаларни асосий ҳужжатлар билан биргаликда жойлаштириш;

ҳужжатлар йиғмажилдида битта календарь йилининг ҳужжатларини гуруҳлаш, йилдан-йилга ўтувчи ҳужжатлар йиғмажилдлари бундан мустасно;

ҳужжатлар йиғмажилдларида доимий ва вақтинчалик сақланадиган ҳужжатларни алоҳида гуруҳлаш;

ҳужжатлар йиғмажилдига машина ёзувларини умумий асосларда жойлаштириш.

Ҳужжатлар йиғмажилдига қайтариш лозим бўлган, ортиқча нусхалар, хомаки қўлёзмалар жойланмаслиги керак. Ҳужжатлар йиғмажилди 250 варақдан ошмаслиги керак.

5. Бошқарув ҳужжатлари ҳужжатлар йиғмажилдларида турлари бўйича ва унга тааллуқли иловалар билан хронология бўйича гуруҳланади.

Бошқарув ҳужжатлари билан тасдиқланган уставлар, низомлар, йўриқномалар уларга илова бўлиб ҳисобланади ва кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан бирга гуруҳланади.

Агар улар мустақил ҳужжат сифатида тасдиқланган бўлса, у ҳолда улар алоҳида ҳужжатлар йиғмажилдларида гуруҳланади.

Асосий фаолият бўйича буйруқлар шахсий таркиб бўйича буйруқлардан алоҳида гуруҳланади.

Юқори ташкилотлар топшириқлари ва уларни ижро этиш бўйича ҳужжатлар ташкилотлар фаолияти йўналишлари бўйича ҳужжатлар йиғмажилдларида гуруҳланади.

Тасдиқланган режалар, ҳисоботлар, сметалар, лимитлар, титул рўйхатлари уларнинг лойиҳаларидан алоҳида гуруҳланади.

Шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларидаги ҳужжатлар уларнинг келиб тушишига кўра хронологик тартибда жойланади.

Мазкур ташкилот ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ишлари масалалари бўйича фуқаролар таклифлари, аризалари ва шикоятлари, уларнинг кўриб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича барча ҳужжатлар фуқароларнинг шахсий масалалар бўйича аризаларидан алоҳида гуруҳланади.

Ҳужжатлар ушбу ҳужжатлар йиғмажилдларига хронологик ёки алфавит тартибда жойланади.

66. Ёзишмалар, қоидага кўра, календарь йил даври бўйича гуруҳланади ва хронологик тартибда кетма-кет туркумланади, жавоб ҳужжати сўров ҳужжатидан кейин жойлаштирилади.

Ўтган йилда бошланган муайян масала бўйича ёзишмалар қайта бошланганда ҳужжатлар ўтган йилги ҳужжатлар йиғмажилди индекси кўрсатилган ҳолда жорий йилнинг ҳужжатлар йиғмажилдига киритилади.

Ташкилотлар фаолиятининг хусусиятига кўра ёзишмалар ўқув йили, чақирув муддати доирасида ҳам гуруҳланиши мумкин.

## **VI. ҲУЖЖАТЛАРНИ ИДОРАВИЙ АРХИВГА ТОПШИРИШГА ТАЙЁРЛАШ**

67. Ташкилотлар уларнинг фаолиятида ва тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятида вужудга келадиган доимий муддатда сақланадиган ҳужжатларнинг танлаб олинишини, ҳисобга олинишини, сақланишини, ишланиш сифатини ва ушбу ҳужжатларни ўз вақтида давлат сақловига беришни таъминлайдилар.

Доимий ва узоқ вақт (10 йилдан кўпроқ) муддатда сақланадиган ҳужжатларни сақлаш учун ташкилотларда идоровий архивлар ташкил этилади ёки уларнинг функциялари бөшқа таркибий бўлинма (махсус ажратилган мансабдор шахс)ларга юкланади.

Доимий ва узоқ вақт муддатда сақланадиган тугалланган ҳужжатлар йиғмажилдлари маълумот ишлари учун таркибий бўлинмаларда

икки йил давомида қолдирилади, кейин эса ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда идоравий архивга топширилади.

Хужжатларни идоравий архивга топширишга тайёрлаш қуйидагиларни ўз ичига олади: хужжатларнинг муҳимлик қиймати экспертизасини ўтказиш; хужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштириш; хужжатлар йиғмажилдларининг рўйхатини тузиш; хужжатлар ва хужжатлар йиғмажилдларини йўқ қилишга ажратиш тўғрисида далолатномалар тузиш.

### **Хужжатларнинг муҳимлик қийматини экспертиза қилиш**

68. Хужжатларнинг муҳимлик қийматини экспертиза қилишни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек идорага қарашли ташкилотларнинг эксперт хизмати фаолиятини назорат қилиш учун ташкилотларда доимий фаолият кўрсатувчи марказий эксперт комиссиялари (МЭК) ташкил этилади.

Вазирликлар, идораларнинг тасарруфидаги ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида ҳамда жамоат ташкилотларининг марказий органларида доимий фаолият кўрсатувчи эксперт комиссиялари (ЭК) ташкил этилади.

Эксперт комиссиялари ҳақидаги низомлар амалдаги намунавий низомлар асосида ишлаб чиқилади, архив муассасалари билан келишилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Эксперт комиссиялари маслаҳат органлари ҳисобланади, уларнинг қарорлари ташкилотлар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

МЭК, ЭК йиғилишлари баёнлаштирилади.

Муҳимлик қийматини экспертиза қилиш хужжатлар йиғмажилдлари номенклатуралари ва сақланиш муддатлари кўрсатилган, доимий сақланадиган хужжатлар йиғмажилдлари варақлаб кўриб чиқилган ҳамда «ЭТК» («эксперт-текширув комиссияси» белгиси кўйилган хужжатлар (намунавий, идоравий) рўйхатлари асосида ўтказилади.

Муҳимлик қиймати экспертизаси натижалари бўйича доимий ва узоқ вақт сақланадиган хужжатлар рўйхати тузилади.

Хужжатлар ва хужжатлар йиғмажилдларини йўқ қилишга танлаб олиш далолатнома билан расмийлаштирилади; хужжатлар ва хужжатлар йиғмажилдларини йўқ қилишга ажратиш тўғрисидаги далолатномалар эксперт комиссияси мажлисларида хужжатлар йиғмажилдлари рўйхатлари билан бир вақтнинг ўзида кўриб чиқилади.

Хужжатларни давлат сақловига топширувчи ташкилотлар учун далолатномалар, доимий сақланадиган хужжатлар йиғмажилдлари рўйхати архив муассасаларининг ЭТК томонидан тасдиқлангандан сўнг, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Далолатномалар тасдиқлангандан кейин йўқ қилишга ажратилган ҳужжатлар ва ҳужжатлар йиғмажилдлари ҳужжатлаштиришни таъминлаш хизмати ёки ташкилотнинг идоравий архиви ходимлари томонидан иккиламчи хом ашё тайёрловчи идорага топширилади.

### **Ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштириш**

69. Доимий ва узоқ вақт сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар йиғмажилдлари тўлиқ расмийлаштирилади, унда қуйидагилар назарда тутилади: ҳужжатлар йиғмажилдларини тикиш ёки муқовалаш, ҳужжатлар йиғмажилдидаги варақларни тартиб рақамлари билан белгилаш, ҳужжатлар йиғмажилдини тасдиқловчи варақни тузиш, зарур ҳолларда ҳужжатларнинг ички рўйхатини тузиш, ҳужжатлар йиғмажилди муқовалари реквизитларини расмийлаштириш.

Ҳужжатлар йиғмажилдлари варақлари қора графит қалам билан ёки рақамлагич билан варақнинг юқоридаги ўнг бурчагига, ҳужжат матнига тегиб кетмасдан тартиб рақами билан белгиланади. Бир томонга тикилган ҳар қандай шаклдаги варақ битта варақ сифатида тартиб рақами билан белгиланади. Агар варақ жойланган ва ўртасидан тикилган бўлса, у иккита варақ сифатида тартиб рақами билан белгиланади. Ҳужжатдан алоҳида варақда тузилган резолюция тегишли ҳужжатга елимланади ва алоҳида варақ сифатида тартиб рақами билан белгиланади.

70. Доимий ва узоқ вақт сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилди муқоваси белгиланган шакл бўйича расмийлаштирилади (8-Илова).

Доимий ва узоқ сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилдлари муқоваларидаги ёзувларга йил тугагач аниқликлар киритилади: ҳужжатлар йиғмажилдлари муқовасидаги сарлавҳаларнинг тикилган ҳужжатлар мазмунига мувофиқлиги текширилади, зарур ҳолларда ҳужжатлар йиғмажилди сарлавҳаларига қўшимча маълумотлар киритилади (буйруқлар, баёнлар, ҳисобот турлари ва шаклларининг тартиб рақамлари қўйиб чиқилади ва ҳ.к.).

Муқовадаги сана ҳужжатлар йиғмажилдининг юритила бошланган ва тугалланган йилига мувофиқ келиши керак, ҳужжатлар йиғмажилди юритила бошланганидан анча илгари йилларга оид ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳужжатлар йиғмажилдида сана остига «... йилларга доир ҳужжатлар мавжуд» деб ёзиб қўйилади.

Бир нечта жилдлар (қисмлар)дан иборат бўлган ҳужжатлар йиғмажилдлари муқоваларига ҳар қайси жилд (қисм) ҳужжатларининг охири санаси қўйиб чиқилади.

Аниқ календарь санаси белгиланганда кун, ой, йил кўрсатилади. Кун ва йил араб рақамларида белгиланади, ой номи сўз билан ёзилади.

Ташкилот (унинг таркибий бўлинмаси) номи ҳужжатлар йиғмажилди ҳужжатлари қамраб оладиган давр давомида ўзгарганда ёки ҳужжатлар йиғмажилди бошқа ташкилот (таркибий бўлинма)га берилганда муқовага ушбу ташкилот (таркибий бўлинма)нинг янги номи ёзиб қўйилади.

Доимий ва узоқ вақт сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилдлари муқоваларидаги ёзувлар аниқ, ўчмайдиган қора сиёҳ ёки туш билан ёзилиши лозим.

Ҳужжатлар йиғмажилди охирида алоҳида вараққа тасдиқловчи ёзув жойланади, унда ҳужжатлар йиғмажилдининг рақамланган варақлари сони рақам ва сўз билан кўрсатилади. Тасдиқловчи ёзув уни тузган ходим томонидан лавозими ва тузган санасини кўрсатилган ҳолда имзоланади.

### **Ҳужжатлар йиғмажилдлари рўйхатларини тузиш**

71. Доимий ва узоқ вақт сақланадиган ва муҳимлик қиймати экспертизасидан ўтказилган, мазкур талабларга мувофиқ расмийлаштирилган шахсий таркиб бўйича тугалланган ҳужжатлар йиғмажилдлари бўйича ҳар йили рўйхатлар тузилади. Вақтинча сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилдларига рўйхатлар тузилмайди.

Таркибий тузилмаларнинг ҳужжатлар йиғмажилдлари рўйхатлари ҳужжатлар учун жавобгар ходим томонидан бевосита идоравий архивнинг услубий раҳбарлиги остида тузилади.

Рўйхатлар доимий сақланадиган, узоқ вақт сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилдларига, шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар йиғмажилдларига ва бир турдаги (мавзулар бўйича ҳисоботлар, рационализаторлик таклифлар ва ҳ.к.) ҳужжатлар йиғмажилдларига алоҳида-алоҳида тузилади.

Ҳужжатлар йиғмажилдларининг рўйхатлари ташкилотларнинг ҳар бир таркибий бўлинмалари ҳужжатлар йиғмажилдларига, таркибсиз ташкилотларда унинг фаолияти жараёнида ташкил топган ҳар бир календарь йилда юритилган барча ҳужжатлар йиғмажилдларига тузилади.

Таркибий бўлинмалар томонидан тайёрланган рўйхатлар идоравий архив тайёрлаган ташкилотлар йиғма рўйхатини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва улар бўйича у ҳужжатлар йиғмажилдларини давлат сақловига топширади.

Ташкилотлар таркибий бўлинмаларининг рўйхатлари икки нусхада тузилади, улардан биттаси ҳужжатлар йиғмажилдлари билан бирга идоравий архивга берилади, иккинчиси эса — назорат нусхаси сифатида таркибий бўлинмада қолдирилади (9-Илова); узоқ вақт сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилдларидаги рўйхатлар «сақлаш муддати, рўйхатлар бўйича модда» қўшимча устунига эга бўлади.

Рўйхатларнинг ҳар қайси нусхасининг охирида архивга амалда берилган (қабул қилинган) ҳужжатлар йиғмажилдлари сони, мавжуд бўлмаган ҳужжатлар йиғмажилдлари тартиб рақамлари рақамлар ва сўз билан кўрсатилади, қабул қилиш — топширишни амалга оширувчи ходимларнинг имзолари қўйилади, санаси кўрсатилади.

72. Ҳужжатлар йиғмажилдлари билан бирга идоравий архивга ҳужжатлардаги рўйхатдан ўтказиш-назорат карточкалари, ҳужжатлар рўйхатга алоҳида бирлик сифатида киритиладиган рўйхатдан ўтказиш дафтарлари берилади.

## **VII. ҲУЖЖАТЛАРНИ ИДОРАВИЙ АРХИВДА САҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАҚТИНЧА ФОЙДАЛАНИШГА БЕРИШ ТАРТИБИ**

73. Идоравий архив мудири ҳужжатларни ва ҳужжатлар йиғмажилдларини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади.

74. Ҳужжатлар ва ҳужжатлар йиғмажилдлари архивда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси томонидан белгиланган тартибда сақланади.

75. Ҳужжатлар йиғмажилдлари архивдан ташкилотлар ходимлари сўровлари бўйича тилхат билан берилади.

Архивдан олинган ҳужжатларга бирор-бир белги қўйиш ва ёзувлар тагига чизиш тақиқланади.

76. Доимий сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилдларидан ҳужжатларни олиб қўйишга ва беришга рухсат этилмайди. Истисно ҳолларда прокуратура ва суд органларининг сўровлари бўйича, ташкилот раҳбарининг рухсати билан олишга олиб қўйилган ҳужжатнинг аниқ тасдиқланган нусхасини ҳужжатлар йиғмажилдида мажбурий қолдириш ва ҳужжатнинг аслининг олиниши сабаблари тўғрисидаги далолатномани солиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Архивдан олинган ҳужжатлар зарурати тугаши биланоқ, бироқ 15 кундан кечиктирмасдан, архивга қайтарилиши керак.

Архив мудири ҳужжатлар ва ҳужжатлар йиғмажилдларининг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиб боради.


77. Ташкилотда ишламайдиган шахсларни ҳужжатлар йиғмажилдларидан фойдаланишга қўйиш фақат ташкилот раҳбарининг ёзма рухсатномаси бўйича амалга оширилади.

78. Ҳужжатлар йиғмажилдлари ва ҳужжатлар идоравий архивда 15 йил давомида сақланади, шундан сўнг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига берилади.

79. Архив мудири зиммасига архивга топширилган ҳужжатлар йиғмажилдларининг сақланиши, уларни давлат сақловига топширишга тайёрлаш учун жавобгарлик юкланади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг ижро этилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил этишнинг 1-СХЕМАСИ**

Таркибий бўлинмалар Ижро ва назоратни ташкил этиш Бажариш муддати Масъуллар



**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АППАРАТИ**  
**II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ**

- |   |   |   |
|---|---|---|
| <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Хужжатни рўйхатдан ўтказиш.</li> <li>1a-назорат қарточкасини тўлдирish ва раҳбарга ахборот бериш.</li> <li>2. Аниқ ижрочи ва муддатлар кўрсатилган ҳолда хужжатга резолюция лойиҳасини тайёрлаш, раҳбарга ахборот бериш.</li> <li>3. Раҳбарнинг резолюциясига мувофиқ ижрочига етказиш. 1a-карточка нусхаси назорат бўлимасига (гуруҳга, шўбага ёки ходимга) берилади.</li> </ol> | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Хужжат олингандан сўнг 30 дақиқа мобайнида.</li> <li>2. Хужжат олинishi биланоқ.</li> <li>3. Раҳбарнинг резолюциясидан сўнг 30 дақиқа мобайнида.</li> </ol> | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари, ёрдамчи.</li> <li>2. Вазир, идора раҳбари ёрдамчиси</li> <li>3. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари, ёрдамчи.</li> </ol> |
|---|---|---|



<p>4. Кўйилган вазифаларни амалга оширишни таъминловчи аниқ чоралар, муддатлар ва шахсан ижрочиларни тасдиқланган ҳолда ҳайъат қарорини тайёрлаш ва қабул қилиш.</p>	<p>4. <b>Ҳужжат олинган</b> санадан бошлаб уч кун муддатда, агар топшириқда бошқа муддатлар белги-ланмаган бўлса.</p>	<p>4. Вазир, идора раҳбари.</p>
<p>4а. 1а-вазират қартоқчасини тўлиқ расмийлаштириш.</p>	<p>4а. <b>Қарор қабул</b> қилинган кунда.</p>	<p>4а. Назорат бўлинмаси (гуруҳ, шўба), ходим.</p>
<p>5. <b>Қабул қилинган қарорни етказиш:</b>  а) бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органларига;  б) тасаруфидаги корхоналарга;  в) Вазирлар Маҳкамаси Департаментига (ёки бўлимига).</p>	<p>5. <b>Қарор қабул қи-</b>линган кундан бош-<b>лаб бир кеча-кундуз</b> муддатда.</p>	<p>5. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари.</p>
<p>6. <b>Қабул қилинган қарорларнинг ижросини</b> ташкил этиш:</p>	<p>6. Белгиланган муд-датларда.</p>	<p>6. Қарорнинг бажари-лиши учун шахсан масъул раҳбар.</p>
<p>— тадбирларни амалга ошириш, қўйи таркибий тузилмалардаги ишлар аҳолини ўрганиш;</p>	<p>жадвалга мувофиқ;</p>	<p>Вазирликлар, идоралар мутахассислари</p>
<p>— вазирликлар, идора ҳайъатида, раҳбар ҳузурида ҳужжатнинг бажарилишини кўриб чиқиш. <b>Йул кўшилган камчиликлари учун</b> таркибий бўлинмалар раҳбарларига нисбатан шахсий жавобгарлик чоралари кўриш;</p>	<p>белгиланган муд-датларда, <b>зарурат</b> бўлганда <b>тезкорлик</b> билан;</p>	<p>Вазирлик, идора раҳбари</p>

Фармонда (ВМ)  
қарорлари ва  
фармойишларида)  
белгиланган  
муддатларда.

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли  
Департаментга, бўлимларига ва Ўзбе-  
кистон Республикаси Президентги Аппа-  
рати хизматларига **Фаржов (қарор, фар-  
мойиш)нинг бажарилиши** изасидан ах-  
боротлар тақдим этиш. Зарурат бўлганда  
муаммоли масалаларни ҳал қилиш тўғри-  
сида, шунингдек ҳужжатни назоратдан  
чиқариш тўғрисида таклифлар киритиш.

### Ш. БОШҚАРУВНИНГ ХУДУДИЙ ТАРМОҚ ОРГАНЛАРИ

1. Ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш. 16-назорат қарточкасини тўлдириш ва раҳбарга ахборот бериш.
2. Ҳужжатга раҳбарнинг аниқ топшириқ, ижрочи ва муддатлар кўрсатилган ҳолдаги резолюциясы.

1. Ҳужжат олинган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида.
2. Ҳужжат олинishi биланоқ.
3. Ҳужжат тушган кундан бошлаб икки кун муддатда.

3. Қарорлар қабул қилиш: бажариш муд-датлари ва қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши учун жавобгар ходимлар кўрсатилган ҳолда вилоят бошқармаси бўйича буйруқ, корхона бўйича буйруқ.


4. 16-назорат қарточкасини расмийлашти-риш, тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга ижро учун, шунингдек те-гишли вазирликлар, идораларга маълумотлар учун жўнатиш.

4. Қарор қабул қилинган кунда.
4. Назорат бўлинимаси, ходим. Умумий бўлим, канцелярия мудирилари.

Бошқарувнинг ху-  
дудий тармоқ орган-  
лари, тасарруфдаги  
корхоналар

<p>5. <b>Қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этиш:</b></p>	<p>5. Белгиланган муддатларда.</p>	<p>5. Қарорнинг амалга оширилиши учун шахсан масъул бўлган раҳбар, ходим.</p>
<p>— қабул қилинган қарорларда тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш;</p>	<p>тасдиқланган муддатларда;</p>	<p>Тархивий бўлинмалар ходимлари, мутахассислари ва раҳбарлари;</p>
<p>— вилоят бошқармалари ва корхоналар раҳбарлари ҳузурида қарорлар бажарилишини кўриб чиқиш. Йўл қўйилган камчиликлар учун мансабдор шахсларга ва мутахассисларга нисбатан шахсий жавобгарлик чоралари кўриш;</p>	<p>тасдиқланган муддатларда;</p>	<p>Вилоят бошқармаси, корхона раҳбарлари;</p>
<p>— вазирлик, идора ҳайъати қарорларининг бажарилиши тўғрисида ахборотлар тақдим этиш. Зарурат бўлганда, муаммоли масалаларни ҳал қилиш тўғрисида, шунингдек ҳужжатни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар киритиш.</p>	<p>Вазирликлар, идоралар қарорларида белгиланган муддатларда.</p>	<p>Вилоят бошқармаси, корхона раҳбарлари; назорат бўлинмаси, ходим.</p>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлашни, бажарилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ташкил этишининг  
2-СХЕМАСИ



4. Куйилган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирлар, муддатлар ва шахсан бажарувчилар тасдиқланган ҳолда **ҳайъат қарорини тайёрлаш ва қабул қилиш.**
4. Вазир, идоранинг раҳбари
- 4а. Назорат бўлинмаси (гуруҳ, шўба), ходим
5. **Қабул қилинган қарорни етказиш:**
- а) бошқарувнинг худудий тармоқ органларига;
- б) тасарруфдаги корхоналарга;
- в) Вазирлар Маҳкамаси Департаменти (ёки бўлими)га.
5. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари
6. **Қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташқил этиш:**
- тадбирларни амалга ошириш, қўйи таркибий бўлинмалардаги ишларнинг аҳолини ўрганиш;
- ҳужжатнинг бажарилишини вазирлик, идора ҳайъатида кўриб чиқиш. **Йўл қўйилган камчиликлар учун таркибий бўлинмалар раҳбарларига нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини кўриш;**
6. Қарорнинг бажарилиши учун шахсан масъул раҳбар
- Вазирлик, идора мутахассислари
- Вазирлик, идора раҳбари
4. **Ҳужжат олинган сандан бошлаб уч кун муддатда, агар ВМ топшириғида бошқа муддатлар кўрсатилмаган бўлса.**
- 4а. Қарор қабул қилинган кунда.
5. Қарор қабул қилинган кундан бошлаб **бир кеча-кундуз** муддатда.
6. Белгиланган муддатларда.
- жадвалга мувофиқ
- белгиланган муддатларда, **зарур бўлган** ҳолларда тезкорлик билан
- Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишларида белгиланган муддатларда.
- **қарор, фармойишнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли департаментига, бўлимларига **тақдим этиш**, зарур ҳолларда муаммоли масалаларни ҳал этиш тўғрисида, шунингдек ҳужжатни назоратдан чиқариш тўғрисида таклифлар киритиш.

## II. БОШҚАРУВНИНГ ХУДУДИЙ ТАРМОҚ ОРГАНЛАРИ, ҚОРХОНАЛАР

1. Хужжатни рўйхатдан ўтказиш, 26-назорат карточкасини тўлдирishi ва раҳбарга ахборот бериш.

2. Хужжатга раҳбарнинг аниқ топшириқ, ижрочи ва мuddатлар кўрсатилган ҳолдаги резолюцияси

3. Қарор қабул қилиш: вилоят бошқармаси бўйича буйруқ, қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун мuddатлари ва шахсан масъул ходимлар кўрсатилган ҳолда корхона бўйича буйруқ.

4. 26-назорат карточкасини расмийлаштириш, тасарруфидати корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга — ижро этиш учун, шунингдек тегишли вазирликлар, идораларга — маълумот учун юбориш.

5. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этиш:

— қабул қилинган қарорларда тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш;

— вилоят бошқармаси, туман/шаҳар ҳокимликлари ва корхоналар раҳбарлари ҳузурнда қарорларнинг бажарилишини кўриб чиқиш. Йўл қўйилган камчиликлар учун мансабдор шахсларга ва мутахассисларга нисбатан шахсий жавобгарлик чоралари кўриш;

— вазирликлар, идоралар хайъати қарорининг бажарилиши тўғрисида ахборотлар тақдим этиш. Зарур бўлганда, муаммоли масалаларни ҳал қилиш тўғрисида, шунингдек ҳужжатни назоратдан чиқариш тўғрисида тақлифлар киритиш.

1. Хужжат олинган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида.

2. Хужжат олинishiига биланок

3. Хужжат тушган кундан бошлаб икки кун мuddатда.

4. Қарор қабул қилинган кунда.

5. Белгиланган мuddатларда тасдиқланган мuddатда;

белгиланган мuddатларда;

вазирлик, идора қароридати мuddатларда.

1. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари, ёрдамчи.

2. Вилоят ҳокимлиги бошқармаси, корхона раҳбари

3. Вилоят бошқармаси, корхона раҳбари.

4. Назорат бўлимаси, ходим. Умумий бўлим, канцелярия мудирлари.

5. Қарорни амалга ошириш учун масъул раҳбар, ходим.

Таркибий бўлимлар ходимлари, мутахассислари ва раҳбарлари;


Вилоят ҳокимлиги бошқармаси, корхона раҳбари

Вилоят бошқармаси, корхоналар раҳбарлари, назорат бўлимаси, ходим.

Бошқаруvingнинг  
худудий тар-  
моқ органлари

Тасарруфдати  
корхоналар


Вазирликлар ва идоралар аппаратиغا келиб тушган хат-хабарларнинг ҳисобга олинishi, ҳаракати ва уларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил этишнинг  
3-СХЕМАСИ



<p>Масалани ўрганиб чиқиш, аниқ чора-тадбирлар белгилаш, манфаатдор ижрочиларни жалб этган ҳолда муҳокама қилиш, топшириқнинг бажарилишини ташкил этиш, ўз вақтида ижро этилмаганлиги учун шахсий жавобгарлик чораларини кўриш</p>	<p>Белгиланган муддатда</p>	<p>Таркибий бўлинма мутахассиси</p>
<p>Топшириқ берган раҳбарга, олувчига (зарурат бўлганда) жавоб лойиҳаси билан (хусобот) ахборот тайёрлаш</p>	<p>Белгиланган муддатда</p>	<p>Таркибий бўлинма мутахассиси</p>
<p>Олувчига жавобни жўнатиш</p>	<p>Бир кеча-кундузда</p>	<p>Умумий бўлим (канцелярия)</p>
<p>Назоратдаги топшириқларнинг бажарилишини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва раҳбариятни хабардор қилиш</p>	<p>Ҳар куни, ҳар ойда, ҳар чоракда</p>	<p>Вазир ёрдамчиси, назорат хизмати</p>
<p>Топшириқнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни киритиш, назоратдан чиқариш</p>	<p>Белгиланган муддатда</p>	<p>Назорат хизмати</p>
<p>Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасига мувофиқ йиғмажилдга ҳужжатларни тикиш</p>	<p>Белгиланган муддатда</p>	<p>Умумий бўлим (канцелярия)</p>



**Вазирликлар ва идораларда фуқаролар хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқишни ва уларнинг ижро этилишини назорат қилишни ташкил этишнинг 4-СХЕМАСИ**





**Вазирлик,  
идора**

Ҳужжатни кўриб чиқиш, нагжаларини ишлаб чиқиш. Зарурат бўлганда умумлаштириш ва ариза-зачига, Президент Аппаратига, Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамасига жавоб лойиҳасини тайёрлаш

Қабул қилинган қарорни ариза-зачига жўнатиш, аризалар, хатлар ва шикоятларни назоратдан чиқариш

Жавоб олинган кундан бошлаб уч кечадундуз мобайнида

Тегишли бўлимлар мутахассислари. Вазирликлар, идоралар раҳбарияти

Икки кеча-кундузда

Умумий бўлим  
(канцелярия)

## 1а-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ

Сана

Хужжат тури (Президент Фармони, Қарори,  
Фармойиши, топшириғи)

(сана)даги

№ (хужжат рақами)

(вазирлик, идора)

га келиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам)

Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р (рақам)

ХУЖЖАТНИНГ НОМИ: \_\_\_\_\_

ПРЕЗИДЕНТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ: \_\_\_\_\_

ПРЕЗИДЕНТ КОТИБИАТИ (ДАВЛАТ  
МАСЛАҲАТЧИСИ)НИНГ ТОПШИРИҒИ: \_\_\_\_\_

РАҲБАРНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ: \_\_\_\_\_

(вазирлик, идора)

Масъул: (Ф.И.О., лавозими)

муддати: (сана)

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР: \_\_\_\_\_

(вазирлик, идора)

Назорат учун масъул:

(Ф.И.О., лавозими)

НАЗОРАТ БАНДЛАРИ: \_\_\_\_\_

Назорат учун масъул:

Ижро этувчи:

вилоят бошқармаси,  
ташкилот, корхона

Ф.И.О., лавозими

Ижро муддати \_\_\_\_\_

Ахборот бериш муддати \_\_\_\_\_

(сана)

(сана)

Хужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Хужжатни олган шахснинг Ф.И.О.	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

**16-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Сана

Ҳужжат тури

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи, корхона)  
га келиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам) Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р (рақам)

ҲУЖЖАТНИНГ НОМИ: \_\_\_\_\_

ЮҚОРИ ОРГАННИНГ  
ТОПШИРИФИ: \_\_\_\_\_

РАҲБАРНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ: \_\_\_\_\_  
(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи, корхона)

Масъул: (Ф.И.О., лавозими) муддати: (сана)

Қабул қилинган қарор: \_\_\_\_\_  
(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи, корхона)

Назорат учун масъул: (Ф.И.О., лавозими)

НАЗОРАТ БАНДЛАРИ: \_\_\_\_\_

- 1.
- 2.

Назорат учун масъул:

Ижро этувчи:..  
вилоят бошқармаси,  
ташкилот, корхона

Ф.И.О., лавозими

Ижро муддати \_\_\_\_\_  
(сана)

Ахборот бериш муддати \_\_\_\_\_  
(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

**2а-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Сана

Ҳужжатнинг тури (ВМ қарори, фармойиши)

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

(вазирлик идора)

га келиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам)

Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р (рақам)

ҲУЖЖАТНИНГ НОМИ: \_\_\_\_\_

РАҲБАРНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ: \_\_\_\_\_

(вазирлик, идора)

Масъул: (Ф.И.О., лавозими) муддати: (сана)

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР: \_\_\_\_\_

(вазирлик, идора)

Назорат учун масъул: (Ф.И.О., лавозими)

НАЗОРАТ БАНДЛАРИ: \_\_\_\_\_

- 1.
- 2.
- 3.

Назорат учун масъул:

Ижро этувчи:  
вилоят бошқармаси,  
ташкilot, корхона

Ф.И.О., лавозими

Ижро муддати \_\_\_\_\_  
(сана)

Ахборот бериш муддати \_\_\_\_\_  
(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

**26-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Сана

Ҳужжат тури

(сана)даги

№ (ҳужжат рақами)

(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи, корхона)  
га келиб тушган сана

(сана)

Карточка (рақам)

Рўйхатдан ўтказиш рақами (рақам)

қ/р (рақам)

ҲУЖЖАТНИНГ НОМИ: \_\_\_\_\_

ЮҚОРИ ОРГАННИНГ  
ТОПШИРИФИ: \_\_\_\_\_

РАҲБАРНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ: \_\_\_\_\_  
(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи, корхона)

Масъул: (Ф.И.О., лавозими) муддати: (сана)

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР: \_\_\_\_\_  
(бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органи, корхона)

Назорат учун масъул: (Ф.И.О., лавозими)

НАЗОРАТ БАНДЛАРИ: \_\_\_\_\_

- 1.
- 2.

Назорат учун масъул:

Ижро этувчи:  
вилоят бошқармаси,  
корхона, ташкилот

Ф.И.О., лавозими

Ижро муддати \_\_\_\_\_  
(сана)

Ахборот бериш муддати \_\_\_\_\_  
(сана)

Ҳужжатларни бериш: \_\_\_\_\_

Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.О.	Имзо	Сана	Вақти
1.			
2.			
3.			

Ташкилотнинг номи

Таркибий бўлинма  
(жамоат ташкилотининг номи)

**ҲУЖЖАТЛАР ЙИҒМАЖИЛДЛАРИ  
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

\_\_\_\_\_ СОН \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (тузилган жой)

\_\_\_\_\_ йил учун

Бўлимнинг номи

Йиғма- жилд индек- си	Йиғмажилд (жилд, қисм) сарлавҳаси	Йиғмажилд- лар (жилд- лар, қисм- лар) сони	Йиғмажилдларни сақлаш муддати ва рўйхат бўйича тартиб рақами	Эслатма
1	2	3	4	5

Таркибий бўлинма (жамоат ташкилоти)

раҳбари лавозимининг номи

ИМЗО

ИМЗОНИНГ ЁЙИЛМАСИ

**КЕЛИШИЛГАН\***

Таркибий бўлинма ЭК баёни

**КЕЛИШИЛГАН\***

Архив мудури

(архив учун масъул шахс визаси)

\_\_\_\_\_ СОН \_\_\_\_\_

ИМЗО

ИМЗОНИНГ ЁЙИЛМАСИ

сана

\* Таркибий бўлинмани ЭК мавжуд бўлганда

**Ташкилот (жамоат ташкилоти)нинг таркибий бўлинмаси  
хужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси  
ШАКЛИ**

\_\_\_\_\_ йилда таркибий бўлинма (жамоат ташкилоти)да  
юритилган хужжатлар йиғмажилдлари турлари ва сони тўғрисидаги  
**ЯКУНИЙ ЁЗУВ**

Сақлаш муддатлари бўйича	Ҳаммаси	Шу жумладан	
		ўтувчи	«ЭТК» бел- гиси билан
1	2	3	4
доимий			
вақтинча (10 йилдан ортиқ)			
вақтинча (10 йил)			
Жами:			

Хужжатлар учун масъул  
шахснинг лавозими номи

ИМЗО

ИМЗОНИНГ ЁЙИЛМАСИ

сана

Ташкилотнинг хужжатлар бўйича хизматига берилган якуний маълумотлар

Маълумот берган шахс  
лавозимининг номи

ИМЗО

ИМЗОНИНГ ЁЙИЛМАСИ

сана



Ташкилотнинг номи

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Ташкилот раҳбарининг  
лавозими номи

Ҳужжатлар йиғмажилдлари  
номенклатураси

\_\_\_\_\_ сон \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ имзо  
(тузилган жой)

имзонинг  
ёйилмаси

\_\_\_\_\_ йил учун

Бўлимнинг номи

Йиғма- жилд индек- си	Йиғмажилд (жилд, қисм) сарлавҳаси	Йиғмажилд- лар (жилд- лар, қисм- лар) сони	Йиғмажилдлар (жилдлар, қисм- лар)ни сақлаш муддати ва модда- ларнинг рўйхат бўйича тартиб рақами	Эслатма
1	2	3	4	5

Ташкилот иш юритиш хизмати  
раҳбари лавозимининг номи

имзо

имзонинг ёйилмаси

Сана

Идоравий архив мудирини  
(архив учун масъул шахс) визаси

**МАЪҚУЛЛАНГАН\***  
МЭК (ЭК) баёни

**КЕЛИШИЛГАН\***  
Архив муассасасининг ЭТК баёни

\_\_\_\_\_ сон \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сон \_\_\_\_\_

Ташкилот ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси шакли

\* Бунда ва бундан кейин ташкилот МЭК (ЭК) ёки архив муассасасининг ЭТК баёнига далилни тегишли МЭК (ЭК) ёки ЭТК раиси имзоси билан тасдиқлаш тавсия этилади.

**\_\_\_\_\_ йилда таркибий бўлинма (жамоат ташкилоти)да  
юритилган ҳужжатлар йиғмажилдлари турлари ва сони тўғрисидаги  
ЯКУНИЙ ЁЗУВ**

Сақлаш муддатлари бўйича	Ҳаммаси	Шу жумладан	
		ўтувчи	«ЭТК» бел- гиси билан
1	2	3	4
доимий			
вақтинча (10 йилдан ортиқ)			
вақтинча (10 йил)			
Жами:			

Ташкилот иш юритиш хизмати  
раҳбарининг лавозими номи

ИМЗО

ИМЗОНИНГ  
ёйилмаси

сана

Якуний маълумотлар идоравий архивга берилган

Маълумот берган шахснинг  
лавозими номи

ИМЗО

ИМЗОНИНГ  
ёйилмаси

сана

Ташкилот ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасига якуний  
ёзувлар шакли

Ф.№ \_\_\_\_\_

АР.№ \_\_\_\_\_

Й.№ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(Ташкилот ва таркибий бўлинма)

\_\_\_\_\_ сон ЙИҒМАЖИЛД \_\_\_\_\_ сон ФОНД

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(Йиғмажилд сарлавҳаси)

(Йил)

\_\_\_\_\_ варақда

\_\_\_\_\_ йил сақлансин

Ф.№ \_\_\_\_\_

АР.№ \_\_\_\_\_

Й.№ \_\_\_\_\_

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Ташкилот раҳбарининг  
лавозими номи

ИМЗО

ИМЗОНИНГ  
ЎЙИЛМАСИ

Сана

\_\_\_\_\_ сон ФОНДИ

\_\_\_\_\_ сон архив рўйхати

доимий сақланадиган йиғмажилд

\_\_\_\_\_ йил учун

Бўлим (ташкилот таркибий бўлини)нинг номи

Т/р	Йиғма- жилд индек- си	Йиғмажилд (жилд, қисм) сарлавҳаси	Йиғмажилд (жилд, қисм) санаси	Йиғмажилд (жилд, қисм)- даги варақлар сони	Эслатма
1	2	3	4	5	6

Ушбу архив рўйхати бўлимига \_\_\_\_\_ киритилган  
(рақам ва сўз билан)

йиғмажилд \_\_\_\_\_ сондан \_\_\_\_\_ сонгача, шу жумладан:

литер рақамлари:

тушириб қолдирилган рақамлар:

Архив рўйхатини тузувчининг  
лавозими номи

ИМЗО

ИМЗОНИНГ ЎЙИЛМАСИ

Идоравий архив мудирининг  
(архив учун жавобгар шахс)

ИМЗО

ИМЗОНИНГ ЎЙИЛМАСИ

Сана

ИМЗО

ИМЗОНИНГ ЎЙИЛМАСИ

**ТАСДИҚЛАНГАН**  
Архив муассасасининг  
ЭТК баёни

**МАЪҚУЛЛАНГАН**  
МЭК (ЭК) баёни

\_\_\_\_\_ сон

\_\_\_\_\_ сон

\_\_\_\_\_ сон (Ф.№ \_\_\_\_\_) архив рўйхатини тасдиқловчи варақ

Мазкур архив рўйхатида жами \_\_\_\_\_ варақ  
(рақам ва сўз билан)

рақам билан белгиланган,

шу жумладан:

литер рақамлари: \_\_\_\_\_

тушириб қолдирилган рақамлар: \_\_\_\_\_

Идоравий архивнинг ҳисобга  
олиш учун масъул ходими  
лавозимининг номи

ИМЗО

ИМЗОНИНГ ЁЙИЛМАСИ

Сана

Хужжатлар йиғмажилдлари архив рўйхатини тасдиқловчи варақ  
шакли

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА (янги таҳрири)

*Қонуннинг мазкур таҳрири ЎзР 13.12.2002 й. 446-II-сон  
Қонуни билан тасдиқланган (Эски таҳририга қаранг)*

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

#### 2-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

#### 3-модда. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат этиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонунда белгиланган тарзда тартибга солинади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар қонунларда уларни кўриб чиқишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, ушбу қонунга мувофиқ кўриб чиқилмайди.

#### 4-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари шакллари

Фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга.

**Фуқароларнинг муурожаатлари якка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин.**

#### **5-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари турлари**

Фуқароларнинг муурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган муурожаатидир.

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган муурожаатидир.

Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган муурожаатидир.

#### **6-модда. Фуқароларнинг муурожаатларига қўйиладиган талаблар**

Муурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма муурожаатларда муурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Муурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу муурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма муурожаатлар аноним деб ҳисобданади ва кўриб чиқилмайди.

#### **7-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари ва оммавий ахборот воситалари**

Фуқароларнинг давлат органларига газеталар, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари таҳририятлари орқали келиб тушган муурожаатлари ушбу қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган муурожаатларидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

#### **8-модда. Фуқароларни қабул қилиш**

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс

томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлинмалар тузилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун маъсул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади, қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак.

Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга хилоф хусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

#### **9-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича иш юритиш**

Давлат органларида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

## **II. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ**

#### **10-модда. Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда ихтиёрийлик**

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирон бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

#### **11-модда. Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги**

Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.

#### **12-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги**

Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, ушбу қонун 6-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.



Фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

**13-модда . Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмаслиги**

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ва, агар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотлар давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Мурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқаронинг шахсига доир маълумотларни суриштириб билишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир бирон бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

**14-модда . Фуқароларнинг мурожаат этиши муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатлари**

Фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганликлари учун таъқиб қилиш ман этилади.

**III. ФУҚАРОЛАРНИНГ АРИЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР ВА ШИКОЯТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ҲАМДА УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

**15-модда . Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш тартиби**

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган, фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

### **16-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш муддатлари**

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

### **17-модда. Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш**

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган муурожаатлари ана шу органининг ўзи ёки зиммасига муурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг муурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Муурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг муурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу муурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг муурожаатларини ҳар тарафлама муфассал ва ҳолисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар

ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур муурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси кўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг муурожаатини кўриб чиқаётган давлат органи зарур ҳолларда муурожаат жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, муурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида муурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг муурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **18-модда. Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари**

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, кўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, кўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, кўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

#### **IV. МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **19-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқи**

Мурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқиляётганда фуқаро мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, важларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, кўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

##### **20-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қабул қилинадиган чора-тадбирлар**

Давлат органлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт.

##### **21-модда. Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органининг мажбуриятлари**

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи, унинг мансабдор шахси мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиши, агар фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чора-тадбирлар кўриши ҳам шарт.

**22-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган иш таҳлили**

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқаётган давлат органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида аризалар, таклифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадилар ҳамда таҳлил этиб борадилар.

**V. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**23-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат**

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

**24-модда. Мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги**

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний

манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**25-модда. Фуқаронинг ариза ёки шикоятини кўриб чиқишда қонун талабларининг бузилиши оқибатида фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Фуқаронинг аризаси ёки шикояти қаноатлантирилган тақдирда ана шу мурожаат бўйича қонунга хилоф қарор қабул қилган давлат органи ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш муносабати билан фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини, тегишли давлат органининг талаби билан ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун жойларга бориш муносабати билан сарф қилинган харажатларни қоплайди ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақини тўлайди. Фуқарога етказилган маънавий зиён ҳам суд тартибида компенсация қилиниши мумкин.

Фуқаронинг аризаси ёки шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида давлат органи томонидан тўланган маблағлар айбдор мансабдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

**26-модда. Фуқаронинг гайриқонуний хусусиятдаги ариза, таклиф ёки шикоят берганлик учун жавобгарлиги**

Фуқаронинг тухмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**27-модда. Фуқароларнинг била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларини текширишга сарф қилинган харажатларни қоплаш**

Била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган

харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олиниши мумкин.

**28-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фуқароларнинг муурожаатлари муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

## **II БЎЛИМ**

**Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар,  
хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий  
ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар  
билан ишлашни ташкил этиш ҳамда  
ижро интизомининг аҳволи  
мониторингини олиб бориш**

**ТАРТИБИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
БОШ ВАЗИРИ**

**ПРЕМЬЕР-МИНИСТР  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**Бош вазир ўринбосарларига  
Департамент мудирларига  
Бўлим мудирларига**

1. Республика вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар (қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари) билан ишлаш ва уларнинг ижросини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришнинг илова қилинаётган тартибига розилик берилсин.

2. Республиканинг тегишли вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида Тартиб талаблари бажарилиши, шунингдек улар томонидан ҳисобот маълумотлари ва зарур материаллар Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ департаментларига тасдиқланган муддатларда тақдим этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилсин.

**Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик  
бирлашмалари раҳбарларига (рўйхат бўйича)**

1. Куйидагилар:

Тартиб талабларини вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бирлашмаси тизимидаги ҳар бир раҳбар ва мутахассисга етказиш;

тегишли бошқарув органининг бутун вертикали бўйича, айниқса шаҳар (туман) ва вилоят бўлинмаларида ижро интизомини мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ҳужжатлар ижроси ҳақида ҳисобот бериш ва назоратни ташкил этиш тизимини жорий этишнинг илова қилинаётган Тартиби талабларини сўзсиз бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминласинлар.

2. Ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 августдаги 02-1-113-сон топшириғи 11-бандининг учинчи хат бошига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмаларида ташкил этилган ижро интизомини мустақкамлаш масалалари бўйича махсус гуруҳларга юклансин.

**Р.В. Абдуқодировга  
Ф.Х. Файбуллаевга  
С.Т. Ахуновга**

Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бўлинмаларининг ишлари амалда мувофиқлаштирилишини ва умумлаштирилган таҳлил ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиумига муҳокама қилиш учун тақдим этилишини таъминласинлар.

2009 йил 28 август  
№ 11-10

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

2009 йил 30 август

**Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш**  
**ТАРТИБИ**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби (кейинги ўринларда Тартиб деб аталади) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек ўз қарорларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар юритишни ва доимий мониторингни амалга оширишни ташкил этиш бўйича ишларнинг рўйхатини ва изчиллигини белгилайди (*схема илова қилинади*).

Тартиб қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорлари ва топшириқларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини ҳамда бутун бошқарув вертикали: вазирлик, давлат қўмитаси, идора, хўжалик бирлашмаси — вилоят бошқармаси ёки бўлинмаси — шаҳар (туман) бошқармаси — корхона, муассаса, ташкилот бўйича ижронинг тизимли назорати ташкил этилишини назарда тутди.

2. Тартиб қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Девони, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳужжатлари бажарилишини ташкил этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги чоратадбирларни, хусусан:

а) ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини тизимли назорат қилишни;

б) уларни раҳбарлар ва масъул ходимлар ўрганиши, пухта таҳлил қилиши ва билишини;

в) раҳбарнинг аниқ мақсадга йўналтирилган топширигини тайёрлашни, унда топшириқни бажариш бўйича аниқ чоратадбирларни, масъул ижрочиларни ва бажариш муддатларини кўрсатишни;

г) Ўз қарорларини қабул қилишни, уларни ҳудудий бошқарув органларига, жойлардаги аниқ ижрочиларга тезкорлик билан етказиш, шунингдек уларнинг ижросини мақсадли ўрганишни таъминлашни;

д) таркибий бўлинмаларда, тасарруфдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишларнинг аҳволини танқидий таҳлил қилишни, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Хукумат қарорлари ва ўз қарорлари бажарилиши натижадорлиги учун раҳбарлар ва ходимларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини оширишни;

е) мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чоратadbирларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

3. Назорат карточкаларини янада такомиллаштириш ва қўллаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Назорат бўлинмаси (кейинги ўринларда Назорат гуруҳи ёки масъул ходим деб аталади) назорат карточкалари асосида назоратдаги ҳужжатларни ва ҳар бир назоратдаги бандни қатъий ҳисобга олиб боришни таъминлайди, таркибий бўлинмаларда назоратдаги топшириқларнинг бажарилиши ҳолатини таҳлил қилади ва уларнинг ижроси юзасидан доимий асосда мониторинг олиб боради.

Назорат фаолиятини ташкил этиш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Котибияти ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари топшириқларига 1а-назорат карточкалари (вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси марказий аппаратида), 1б-назорат карточкалари (ҳудудий бошқармаларда, ташкилотларда, корхоналарда) тўлдирилади;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларининг протоколлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарларининг топшириқларига 2а-назорат карточкалари (вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси марказий аппаратида), 2б-назорат карточкалари (ҳудудий бошқармаларда, ташкилотларда, корхоналарда) тўлдирилади<sup>1</sup>;

Ҳайъат, умумий мажлис қарорлари, раҳбарнинг буйруқлари, фармойишлари, назорат режалари, тadbирлар ва бошқа ўз қарорларининг бандларига янгидан шакллантириладиган 3а-назорат карточкалари (вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси марказий аппаратида), 3б-назорат карточкалари (ҳудудий бошқармаларда, ташкилотларда, корхоналарда) тўлдирилади (*ушбу Тартибга илова қилинади*).

<sup>1</sup> Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратadbирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига илова.

4. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва уларнинг ҳудудий таркибий бўлинмалари қонунлар, фармонлар, қарорлар ва фармойишларнинг ижроси бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўриш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларнинг ташкил этилишини таъминлайдилар:

**Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижроси (1-картотека);**

Қонунни пухта таҳлил қилиш ва ўрганиш → аниқ чора-тадбирларни, ижрочини ва бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг аниқ мақсадга йўналтирилган резолюциясини тайёрлаш ва қўйиш → чуқур пухта ишлаб чиқилган ўз қарорларини, пировард натижаларга эришишга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш ўзининг илгари қабул қилинган қарорларини мувофиқлаштириш ва уларга ўзгартиришлар киритиш → қабул қилинган қарорнинг бажарилишини доимий назорат қилиш ва бажарилиш ҳолатининг мониторингини олиб бориш → қонун ижросининг аҳолини танқидий таҳлил қилиш, камчиликлар ва муаммоли масалаларни аниқлаш, асосли баҳолаш ва камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини белгилаш → камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони топшириқларининг ижроси (1-картотека):**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларини, унинг Девони топшириқларини пухта таҳлил қилиш ва ўрганиш → аниқ чора-тадбирларни, ижрочини ва бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг аниқ мақсадга йўналтирилган резолюциясини тайёрлаш ва қўйиш → чуқур ишлаб чиқилган ўз қарорларини, пировард натижаларга эришишга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш → қабул қилинган қарорни бажариш бўйича чора-тадбирлар (*назорат режаси, тадбирлар режаси, ҳаракатлар режаси, календарь график, изчил жадвал*) ишлаб чиқиш → топшириқлар бажарилиши аҳолининг доимий назорати ва мониторингини ташкил этиш → қарорларнинг ижроси аҳолини танқидий таҳлил қилиш, камчиликлар ва муаммоли масалаларни аниқлаш, асосли баҳолаш ва камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини белгилаш → камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш.

**Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлислари қарорлари, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари топшириқларининг ижроси (2-картотека):**

Ҳукумат қарорларини пухта таҳлил қилиш ва ўрганиш → аниқ чора-тадбирларни, ижрочини ва бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг аниқ мақсадга йўналтирилган резолюциясини тайёрлаш ва қўйиш → чуқур ишлаб чиқилган ўз қарорларини, пировард натижаларга эришишга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш → қабул қилинган қарорни бажариш бўйича чора-тадбирлар (*назорат режаси, тадбирлар режаси, ҳаракатлар режаси, календарь график, изчил жадвал*) ишлаб чиқиш → топшириқларнинг бажарилиши аҳволининг доимий назорати ва мониторингини ташкил этиш → қарорлар ижросининг аҳволини танқидий таҳлил қилиш, камчиликлар ва муаммоли масалаларни аниқлаш, асосли баҳолаш ва камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини белгилаш → камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш.

#### **Ўз қарорларининг ижроси (3-картотека):**

Ўз қарорини бажариш бўйича чора-тадбирлар (*назорат режаси, тадбирлар режаси, ҳаракатлар режаси, календарь график*) ишлаб чиқиш → топшириқлар бажарилиши аҳволининг доимий назорати ва мониторингини ташкил этиш → қарорлар ижросини танқидий таҳлил қилиш, камчиликлар ва муаммоли масалаларни аниқлаш, асосли баҳолаш ва камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини белгилаш → камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш.

## **II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ, ФАРМОЙИШЛАРИНИНГ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРЛАРИ ВА ФАРМОЙИШЛАРИНИНГ ИЖРОСИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ ЖАДВАЛЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ**

### **IIa. Вилоят, шаҳар (туман) бошқармаси, корхона (хўжалик бирлашмаси учун)**

#### **1-жадвал**

5. Вазирлик, давлат кўмитаси, идоранинг вилоят бошқармаси, шаҳар ва туман бўлинмалари, хўжалик бирлашмасининг корхонаси Назорат гуруҳи (масъул ходими) 1 ва 2-жадваллар ўз вақтида тайёрланиши ва уларнинг ишончлилиги, шунингдек улар вазирлик, давлат кўмитаси, идора ва хўжалик бирлашмасининг назорат гуруҳига (масъул ходимига) тақдим этилиши учун масъул ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижроси тўғрисидаги ахборот ҳар куни 1-жадвалда акс эттирилади.

7. Жадвалда ишончли ахборот акс этган бўлиши керак ва у куйида кўрсатилган талабларга қатъий мувофиқ ҳолда тўлдирилади:

раҳбарнинг резолюцияси устунда резолюциянинг тўлиқ мазмуни, бажарувчи ва бажариш муддати кўрсатилади (6-устун);

7-устун қабул қилинган қарорнинг номини (буйруқ, фармойиш), тадбирларни, қарорнинг тартиб рақами ва санасини акс эттиради;

8-устун қабул қилинган қарорни (буйруқ, фармойишни) бажариш юзасидан назорат режаси номини (тадбирлар режаси, жадвал, календарь режа ва бошқалар) ва у тасдиқланган санани акс эттиради;

ўз қарорларини ва тадбирларни етказиш, жўнатиш реестри бўйича амалга оширилади ва 9-устунда реестр бўйича қарорни олган ташкилотлар рўйхати, реестрнинг санаси ва тартиб рақами акс эттирилади. Реестр Умумий бўлимда (Канцелярияда) сақланади;

алоҳида эътибор қаратилсин — 10-устун қабул қилинган қарорлар ва тадбирларнинг назоратлаги бандлари бажарилишини акс эттириши керак. Ахборот доимий мониторинг асосида янгилаб борилади ва топшириқларнинг бажарилиши ҳолатининг хронологик тартибдаги қисқача тавсифини акс эттириши керак;

алоҳида эътибор қаратилсин — 11-устун пировард мақсадлар ва натижаларга эришишдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотни, ижронинг ҳолати қаерда ва қачон кўриб чиқилганини ва муҳокама қилинганини, айбдор мансабдор шахсларга ва мутахассисларга нисбатан қандай шахсий жавобгарлик чоралари кўрилганлигини акс эттириши керак.

8. Ҳар ойнинг якуни бўйича вилоят, шаҳар, (туман) бошқармаси, корхона (хўжалик бирлашмаси учун) Назорат гуруҳи (масъул ходим) томонидан 2-жадвал тўлдирилади.

## 2-жадвал

9. Тушган ҳужжатлар ва улар бўйича қабул қилинган ўз қарорлари сони, пировард натижаларга эришиш бўйича чора-тадбирлар, ўтказилган мақсадли ва комплекс ўрганишлар тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот 2-жадвалда акс эттирилади:

I бандда — ҳисобот даврида тушган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва фармойишларнинг умумий сони, қабул қилинган ҳужжатларнинг турлари бўйича тақсимланиши акс эттирилади;

II бандда — ҳар бир қонун, фармон, қарор ва фармойиш бўйича қабул қилинган ўз қарорларининг турлари (умумий мажлис қарори, буйруқ, фармойиш, тадбир) акс эттирилади;

III бандда — ҳисобот даврида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича ўтказилган мақсадли ва комплекс ўрганишлар акс эттирилади. Мўлжалланган мақсадли ўрганишлар ҳудудий бошқармалар, корхоналарнинг

тасдиқланган иш режаларига мувофиқ, қатъий муддатлар бўйича ўтказилган бўлиши керак. Зарур ҳолларда, мақсадли ва комплекс ўрганишларнинг якуний маълумотномалари юқори органлар томонидан талаб қилиб олинishi мумкин;

IV бандда — ҳисобот даврида пировард натижаларни ва ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмдаги ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган тадбирлар тўғрисидаги ахборот акс эттирилади. Ижронинг ҳолати, масаланинг муҳокамаси қаерда ва қачон ўтказилганлиги, камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган ташкилий ва интизомий чоралар, кимга ва қандай тегишли топшириқлар юборилганлиги тўғрисида қисқача ахборот киритилади.

Жадвалга йиғилишлар протоколлари, ўтказилган тадбирлар бўйича ҳужжатлар илова қилинади.

**10. Ой якуни бўйича шаҳар (туман) бошқармалари ёки хўжалик бирлашмаси корхоналари 1 ва 2-жадвалларни вилоят ҳудудий бошқармаси ёки хўжалик бирлашмасининг Назорат гуруҳига (масъул ходимига):**

кейинги ойнинг **2-кунигача** электрон шаклда;

кейинги ойнинг **5-кунигача** — раҳбарнинг имзоси билан қоғоз вариантыда тақдим этадилар.

**11. Вилоят бошқармаси ёки хўжалик бирлашмасининг Назорат гуруҳи (масъул ходими) томонидан:**

шаҳар ва туман бошқармалари ёки корхоналар томонидан тақдим этилган **1 ва 2-таҳлилий** жадваллар асосида таҳлилий материаллар тайёрланади ва умумлаштирилади. Ҳар ойнинг **5-кунигача** вилоят бошқармаси ёки хўжалик бирлашмаси раҳбариятига шаҳар, туман бўлинмаларида ёки идоравий мансуб корхоналарда ижро интизомининг аҳволи тўғрисидаги таҳлилий материаллар (**1 ва 2-жадваллар**) киритилади;

бир вақтнинг ўзида вилоят бошқармаси раҳбариятига кейинчалик уларни вазирлик, давлат кўмитаси, идоранинг Назорат гуруҳига тақдим этиш учун вилоят бошқарув органининг ўз аппарати бўйича тайёрланган **1 ва 2-жадваллар** тақдим этилади.

**12. Тайёрланган таҳдиллар асосида вилоят, шаҳар, туман бошқармасидаги ижро интизومي аҳволи тўғрисидаги масала кўриб чиқиш учун аппарат йиғилиши, планеркаси, комиссияси ва шу кабиларга киритилади.**

**Коллегиал кўриб чиқиш якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинади ва у бажариш учун таркибий бўлинмаларга етказилади.**

**Шунингдек, ҳар ҳафтада раҳбар ҳузурдаги аппарат йиғилишида ижро интизомининг жорий аҳволи кўриб чиқилади, топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрилади.**

**13. Ҳар ой якунлари бўйича кейинги ойнинг 5-кунигача вилоят бошқармалари 1 ва 2-жадвалларни — электрон шаклда ва 8-**



кунигача — раҳбар имзоси билан қоғоз вариантыда вазирлик, давлат кўмитаси ва идоранинг Назорат гуруҳига киритадилар.

**Ўб. Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмалари**

**3-жадвал**

**14. Вазирлик, давлат кўмитаси, идора, хўжалик бирлашмасининг Назорат гуруҳи (масъул ходими) 3 ва 4-жадваллар ўз вақтида тайёрланиши ва уларнинг ишончлилиги, шунингдек уларнинг мутасадига — Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаменти масъул ходимига тақдим этилиши учун масъул ҳисобланади.**

15. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва хўжалик бўлинмаларидаги ижросининг аҳволи тўғрисидаги ахборот доимий асосда 3-жадвалда акс эттирилади.

16. Жадвалда ишончли ахборот акс этган бўлиши керак ва у куйида кўрсатилган талабларга қатъий мувофиқ ҳолда тўлдирилади: раҳбарнинг резолюцияси устунида резолюциянинг тўлиқ мазмуни, бажарувчи ва бажариш муддати кўрсатилади (6-устун);

7-устун қабул қилинган қарорнинг номини (буйруқ, фармойиш), тадбирларни, қарорнинг тартиб рақами ва санасини акс эттиради;

8-устун қабул қилинган қарорни (буйруқ, фармойишни) бажариш юзасидан назорат режаси номини (тадбирлар режаси, жадвал, календарь режа ва бошқалар) ва у тасдиқланган санани акс эттиради;

ўз қарорларини ва тадбирларни етказиш жўнатиш реестри бўйича амалга оширилади ва 9-устунда реестр бўйича қарорни олган ташкилотлар рўйхати, реестрнинг санаси ва тартиб рақами акс эттиради. Реестр Умумий бўлим (Канцелярия)да сақланади;

алоҳида эътибор қаратилсин — 10-устун қабул қилинган қарорлар ва тадбирларнинг назоратдаги бандлари бажарилишини акс эттириши керак. Ахборот доимий мониторинг асосида янгилаб борилади ва топшириқларнинг бажарилиши ҳолатининг хронологик тартибдаги қисқача тавсифини акс эттириши керак;

алоҳида эътибор қаратилсин — 11-устун пировард мақсадлар ва натижаларга эришишдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотни, ижронинг ҳолати қаерда ва қачон кўриб чиқилганини ва муҳокама қилинганини, айбдор мансабдор шахсларга ва мутахассисларга нисбатан қандай шахсий жавобгарлик чоралари кўрилганлигини акс эттириши керак.

**17. Ҳар ойнинг якуни бўйича вазирлик, давлат кўмитаси, идора ва хўжалик бирлашмасининг Назорат гуруҳи (масъул ходими) томонидан 4-жадвал тўлдирилади.**

#### 4-жадвал

18. Тушган ҳужжатлар ва улар бўйича вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бирлашмасида қабул қилинган қарорлар сони, пировард натижаларга эришиш бўйича чора-тадбирлар, ўтказилган мақсадли ва комплекс ўрганишлар тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот 4-жадвалда акс эттирилади:

I бандда — ҳисобот даврида тушган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва фармойишларнинг умумий сони, қабул қилинган ҳужжатларнинг турлари бўйича тақсимланиши акс эттирилади;

II бандда — ҳар бир қонун, фармон, қарор ва фармойиш бўйича қабул қилинган ўз қарорларининг турлари (Ҳайъат, умумий мажлис қарори, буйруқ, фармойиш, тadbирлар ишлаб чиқиш) акс эттирилади;

